2003 YIL 23 YANVAR, PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№11 (6.536). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА

**ЭЪТИБОРСИЗЛИК**

Зиёратга ўтаман десангиз, йўлнинг устида тоғдай-тоғдай ахлат чиқиндилари. Қабристонга ҳурматсизлик-ку! Виждон борми ўзи, деб юборасиз. Маҳалла бошлиғиям, "коммунал" бошқарманинг раҳбари ҳам, туманнинг ҳокими ҳам, ўринбосарлари ҳам шу ердан ўтади. Ҳаммаси кўриб кўрмасликка олади. Буёғи Бобур мавзеси. Қозоқсой дарёси ёни... шаҳар ҳаммомининг ўрнида чиқиндилар уюлиб кетган:

(1-2-саҳифаларда)



**ЭРТА ЭККАН ЮТАДИ**

(3-саҳифада)

**"ДОҒМАН" ЭНДИ СЕНИКИ"**

Ашула тамом бўлиши билан Комилжон ака хонандани бағрига босиб: "Сен уни мендан ошириб айтдинг, "Доғман" энди сеники", дейди севинчини яширолмай.

Дарҳақиқат, водий булбулининг "Ишкингда зор ўлдим"ни ижро қилишига устозининг ўзи ҳам тан берганлиги ҳақ гап.

(1-4-саҳифаларда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

### Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири - Умумиқтисодиёт комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири - Умумиқтисодиёт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 январь

# МУСТАҚИЛЛИК МЕЪМОРИ

***«Халқ - бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди».***

«Адолат» нашриёти чоп этган «Мустақиллик меъмори. Ислом Каримов сиймосига чизгилар» рисоласи мамлакатимиз раҳбарининг ана шу сўзлари билан бошланади.

Ушбу асарда Ислом Каримов мамлакат раҳбари лавозимига келган кезлари, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган кунлари эркинликда ташланган дастлабки қадамлар, биринчи Президентимизнинг жиддий ва қалтис синовларга дуч келгани, истиқлол йилларида юртбошимиз раҳбарлигида эришилган ютуқлар баён қилинган.

Қатъият ва матонат билан иш кўриш, айни чоғда ҳамма нарсани етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесишга эҳтиёж сезилган мураккаб вазиятларда Ислом Каримовнинг йўлбошчи сифатидаги иродаси, қатъияти, донолиги намоён бўлади. Унинг раҳбарлигида ўлкамизда тинчлик ва осойишталик қарор топгани, умуман, юртимиздаги барқарорлик ана шундай катта жасорат ва улкан ғайрат эвазига барпо этилгани фавқулодда синчковлик ва кузатувчанлик, холисона таҳлил ва жўшқин руҳда ҳикоя қилинган.

Ислом Каримов Президент сифатида иш бошлаган илк кунларданоқ ғоят мушкул ва чигал муаммоларга дуч келди. Ўзбек халқини оғир маломатлардан қутқармоқ, юртни мислсиз бўҳрондан халос этиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатмоқ керак эди. Ўша шароитда бу бамисоли катта бир тоғни иккинчи жойга кўчириш билан баробар эди. Унча-бунча раҳбар бундай вазифани уддалаши амримаҳол эди. Ислом Каримов буни уддалади.

- Мустақиллик йилларида Йўлбошчимиз она юртимизнинг истиқболи йўлида бири-биридан улуғ, бири-биридан муҳим кўп ишларни амалга оширди, - деб ёзади муаллиф - Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов. - Мен улардан биронтасини камситмаган ҳолда, Ислом Каримовнинг юртбоши сифатида қўйган биринчи қадамини энг қутлуғ қадам деб, ўзбек халқини маломатдан қутқариб, унга тинчлик ва хотиржамликни қайтариб бергани энг улуғ жасорат, тенгсиз бир қаҳрамонлик деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам бутун юртимиз бу фидойи инсоннинг ана шу буюк хизматини эътироф этади ва юксак қадрлайди.

Президентимизга хос ажойиб фазилатлар - бекиёс фидойилик, чинакам қаҳрамонлик ва довюраклик, юксак ақл-заковат, улкан жисмоний ҳамда маънавий салоҳият Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги бутун фаолиятида яққол намоён бўлиб бораётгани мустақиллик йилларида амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари мисолида, ёрқин ҳаётий лавҳаларда акс эттирилган.

Асарда Юртбошимизнинг кенг қамровли фаолиятига доир суратлар берилган.

Китоб Республика ҳуқуқий маърифат маркази томонидан тайёрланаётган «Давлат ва миллат рамзлари» туркумидаги рисолаларнинг илк намунаси бўлиб, у «Президент» деб номланади.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилган.

**(ЎзА)**

# ХОВОСЛИКЛАР ОРЗУСИ УШАЛАДИ

***Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича бугунги кунда мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилаётир.***

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрига қарашли Ховос қўрғони аҳолисини ҳам анчадан буён ичимлик сув муаммоси қийнаб келаётган эди. Яқин кунларда эса ховосликларнинг орзуси ушаладиган бўлди. Куни кеча Янгиер – Ховос қўрғони йўналиши бўйича 6,5 чақиримлик янги ичимлик сув тармоғи қурилиши бошланди. Бу тармоқ орқали Деҳқонобод – Янгиер – Ховос сув магистрали орқали Сирдарёнинг тоза суви Ховосга етиб келиб, салкам 30 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.





Бу ерда дастлабки қувурларни пайвандлаш ишлари бошланди. Хайрли ишнинг

**ЭЗГУЛИК**

бошланишидан олдин нуроний чолларнинг фотиҳаси олинди.

-Бугун маҳалладошларимизнинг ҳаммаси хурсанд, - дейди Ғанижон ота Мансуров. – Президентимизга минг раҳмат, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида бу масала хусусида ҳам тўхталган эдилар, бугун бошланган амалий ишларни кўриб қувондик. Илгари ҳам сув бўлса-да, лекин сал тақчилроқ, шўрсув эди. Мана энди сувга ёлчийдиган бўлдик. Илоҳо, қурувчиларимизнинг қўллари дард кўрмасин.

-Янгиер – Ховос сув магистрали Ховосга иккита тармоқ билан қурилиб, қўрғончадаги сув омборлари бир-бири билан қўшилиб, ягона сув халқаси ташкил этилади, - дейди бош пудратчи "Ховосиншооттаъмир" ҳиссадорлик жамияти раиси Элбрус Мўминов. – Янги сув тармоғи қурилишида 670 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз лозим. Қисқа муддатларда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Молиялаштириш очилди. 325 мм диаметрли қувурлар олиб келинди.

Ховос шаҳарчасида асосан темир йўлчилар яшашади. Шунинг учун ҳам Ховосни ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш учун асосан маблағни "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ажратиб бераяпти. Қурилиш ишларини йил охиригача якунлаш режалаштирилган.

Кейинги йилларда Ховосда кўпгина уйлар қурилиб, янги маҳаллалар барпо этилди. Сув билан таъминловчи аввалги қудуқлар қуввати етмай қолган, сув муаммоси пайдо бўлган эди.

-Ҳозир суткасига 6 минг куб сув берамиз, - дейди оператор Абдулла Насуллаев. – Янги тармоқ ишга тушгандан кейин суткасига 15 минг куб сув бериб 30 минг кишининг эҳтиёжи қондирилади. Очиғини айтганда, ҳозирги сувимиз сифати паст, қаттиқ. Келаётган сув эса юмшоқ, барча талабларга жавоб беради.

Ховосликлар орзусининг ушалиши йўлида ҳаракат қилаётган қурувчилар ишларни жадал суръатларда олиб бораяптилар. Бу ишларга юқори малакали пайвандчилар ва бошқа тажрибали мутахассислар жалб этилган.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: "Ховосиншооттаъмир" ҳиссадорлик жамияти пайвандчиси Сергей Микеров; қувурларни тушириш пайти.**

Муаллиф олган суратлар.

***Мамлакатимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши бевосита мутасадди раҳбарлар, хусусан, аграр соҳа ва маҳаллий ҳокимият вакилларидан жуда катта уюшқоқлик, билим ва масъулиятни талаб этади. Шу боис бир неча йилдан буён ҳукуматимиз томонидан агросаноат мажмуидаги барча бўғинлар раҳбарларининг савия ва маҳоратларини янада юксалтириш мақсадида семинар-мунозараларни ташкил этиб борилиши анъана тусини олди.***

# ЎҚИШДИ, УҚИШДИ, ЭНДИ АМАЛИЙ ИШГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ана шу йўналишдаги ўқув семинарининг навбатдагиси бошлангани тўғрисида аввалроқ хабар қилган эдик. Ўтган ўн кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгесининг раиси, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ

**МУНОСАБАТ**

туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарлари мамлакатимиз истиқболини белгиловчи муҳим масалалар, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган муаммолар, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу жараёндаги ютуқ ва камчиликлар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Семинар иштирокчилари ўқув давомида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги машиналари ва технологияларини синаш ва сертификатлаш маркази, Янгийўл акциядорлик жамияти, Республика товар хом ашё биржаси ва биржа аукцион маркази, Бўстонлиқ туманида бунёд этилган "Чорвоқ" дам олиш маскани фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Қолаверса, қатнашчиларнинг ўқиш ва ўрганишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳам семинар ташкилотчилари эътиборидан четда қолгани йўқ. Ўзбекистон давлат консерваторияси ижодий жамоаси билан учрашув, санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, "Ўртоқ Бойкенжаев" фильми намойиши, Ўзбек миллий академик драма театрининг "Қаллиқ ўйини" спектакли томошаси тингловчиларга манзур бўлди.

Айниқса, ўқув дастурига мувофиқ қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини эркинлаштириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати қизғин бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания ва уюшма, суд, ҳуқуқ, банк муассасалари раҳбарлари тингловчиларнинг жойларда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш жараёнида юзага келаётган айрим муаммо ва камчиликларни изчил бартараф этиш хусусидаги саволларига жавоб қайтарди.

(Давоми 2-бетда)

# ҚАЛЛОБЛАР

***Яқинда Самарқанд вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Гап конференция ҳақида эмас, анжуман муносабати билан ташкил этилган истеъмолга ва фойдаланишга яроқсиз моллар хусусида. Ҳайратланарли жиҳати, намойишга келиб қолган маҳсулотлар хорижники эди.***

Демак, айрим чет эллик жаноблар ўзларига раво кўрмаётган буюмлар, қўл учини ҳам теккизмайдиган истеъмол маҳсулотлари Ўзбекистонга турли йўллар билан ҳамон кириб келмоқда. Биз эса ўз қадримизни билиш, саломатлигимизни ўйлаш ўрнига озроқ арзон бўлганлиги учун харидда давом этаяпмиз. Истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқларимизни англашдан ожизмиз.

Сифати, фойдаланиш муҳлати аниқ кўрсатилмаган "Ангел" (Хитой) хамиртуруши, "Глан", "Edelveisas", "Биошампун"лари, "Бронзовая пудра" (Қозоғистон), "Лайка" синкаси (Россия), "Шипр" атири, "Puch" кукуни (Эрон)ни харид қилганлар табиийки, афсус чекишаяпти. "Aina" совуни, "Дефен", "Аруниз" шампунлари, "Hind" пойафзал кремларидан ҳеч ким барака топмаяпти. Бироқ бу маҳсулотлар узоқ-узоқ қишлоқлардаги чайласифат кўча дўконларида ҳам сотилмоқда. Ҳали алданиб улгурмаганлар жимжимадор ёрлиқларга мафтункор қўл чўзишмоқда. Ўйланиб қоласан киши, наҳотки, бозорларимизга яроқсиз мол оқиб келаверса!

Савдодаги сифатсиз нарсаларнинг салмоқли қисми Хитой ва Қозоғистондан келтирилмоқда, десак янглишмаймиз. Жаҳоннинг бошқа

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

мамлакатлари бозорлари аллақачонлар сиқиб чиқарган, бироқ ишлаб чиқарилиши ҳамон давом этаётган Хитойнинг сифатсиз маҳсулотлари Ўзбекистонга қандай йўл топаяпти? Нега қозоғистонлик корчалонлар Ўзбекистонни мўлжаллаб бозор очади-ю, бизни алдамоқчи бўлади? Биз шунчалар соддамизми?!

Масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, бундай ножоиз ҳолатнинг юзага келишида, тан олайликки, ўзимиз айбдормиз. Бизлар харидор сифатида нўноқлик қилаяпмиз ва бот-бот панд еяпмиз. Агар биз, ҳатто бир дона қовун олишда унинг мағзи, мазаси қандайлигини янглишмай аниқлай олган ота-боболаримиздек синчков, талабчан бўлсак, енгил-елпи бойлик орттиришга, алдоқчилик билан бойишга ружу қўйганлар хорижликми, маҳаллийми ўз-ўзидан касодга учрайди, синади. Қолаверса, ўз тадбиркорларимиз сифатли, арзон маҳсулотлар билан бозорларни тўлдиришлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўшандагина йўлларга қўйилаётган тўсиқларга ҳожат қолмайди, четдан келаётган карвонлар ўз-ўзидан тўхтайди. Орият деган тушунча ҳам бор. Бир-биримизни алдашдан уялишимиз лозим. Буюмини мақтаб сотаётганлар Хван ҳам эмас, Муқон ҳам эмас-ку, ахир. Улар ўзимизнинг қўшнимиз, ҳамшаҳримиз.

Самарқандда буюм ва деҳқон бозорлари уюшмасига аъзо бўлган бозорлар сони 33 та, хусусий бозорлар эса 22 та. Ҳар бир бозор ҳудудида ўнлаб, юзлаб савдо дўконлари ишлаб турганлигини ва уларнинг аксарият қисмида ноқонуний ҳаракатлар давом этаётганини ҳисобга олсак, аҳволнинг жиддийлигини англаймиз.

(Давоми 3-бетда)

# ШЎРЧИДАГИ... ЭҲТИМОЛЛАР

***Шўрчида ишлар қалай экан, деб туман ҳокимиятига бордим. Ҳоким далада экан. Биринчи ўринбосар Жолғош Маматмўминов ҳузурига кирдим. Сўрашдик. Шу чоқ телефон жиринглаб қолди, у киши ўн минутлар телефонлашдилар.***

Иш – иш-да. Нима ҳам дейсиз. "Мен ҳозир... катта сўраяптилар...". Кетдилар. Хонани томоша қилиб ўтирдим. Келиб яна телефонни олдилар. Йўл-йўлакай узр сўраган бўлиб, тушунтираяптилар:

-Вилоятдаги каттамиз Жовли Холму-

**МУШОҲАДА**

родовдан... бюджетдан... 3,5 миллион пул сўрабедим... мен ҳозир...

Телефонда гаплашаяптилар. У ёқдан кимдир қанчадир пул ўтганини айтди. Биринчи ўринбосар Жолғош Тоғошович хурсанд. Менга "Келинг", дедилар. Мақсадимни айтдим:

-Фермерлар ҳаётига қизиқиб келган эдим. Яна...

-Яна газ ўтказишни ҳам ёзсангиз. Жуда катта иш кетаяпти.

-Майли, - дедим. – Туман неча фоиз газлашган?

-Қувурлар келган. 3 та хўжаликни газлаштирамиз. Шулар билан 50 фоизга етиб қолса керак, - деди биринчи ўринбосар.

(Давоми 2-бетда)

**ҲУҚУҚ**

# МАНФААТЛАР КАФОЛАТЛАНГАН

***Мустақилликнинг илк давриданоқ мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, уларни ҳимоялашга доир ҳукуматимиз қатор қарорлар қабул қилди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар амалда татбиқ этилиб, ўз самарасини беряпти.***

Хўш, бу борада Навоий вилоятида қандай ишлар амалга ошириляпти?

Вилоятда 3404 та фермер хўжаликлари бўлиб, улардан 421 таси чорвачилик, 2500 таси ғалла ва пахтачилик, 471 таси мева-сабзавотчилик, 10 таси балиқчилик, 2 таси асаларичилик билан шуғулланади. Мулкдорлар ихтиёрида 92 минг 519 гектар ер майдони мавжуд.

Фермерлар ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш жараёнида яхши натижаларга эришдилар. Аммо ўтказилган текширишларда деҳқон ва фермер хўжаликлари билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномаларнинг шартлари деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларига зид равишда, бажарилмасдан келинаётганлиги аниқланди.

(Давоми 3-бетда)

# ДАМ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

***Ўтган йилнинг ёзида Тошкентдан меҳмон келди. Меҳмон атойи худо, дейдилар. Қолаверса, меҳмон отангдек улуғ, деган гап бор. Қўлимиздан келганича хизматда бўлдик.***

Юртимизнинг хушманзара жойларини кўрсатдик. Тоғларга олиб бордик, боғларга олиб бордик. Азиз меҳмон баҳонасида икки-уч кун ўзимиз ҳам мириқиб дам олдик, маза қилдик. Қўҳна Чуст шаҳрининг шоирлар жаннатга қиёслайдиган машҳур Камарсада оромгоҳида бўлганимизда, эътиборимизни шундоққина ёнгинамизда, шохлари тарвақайлаб кетган улкан сада остига қўйилган чорси сўрида

**МАВЗУ**

хандон-хушон ўтирган йигирма-ўттиз чоғли бошларига оппоқ рўмол ташлаб олган онахонлар тортди. Улар орасида ёш-яланглари ҳам бор эди. Қўлларида чилдирма. Ҳар лапарлар айтишдики, асти қўйинг. Улар гўё борлиқни унутишган, ўзлари билан ўзлари эди.

-Дам олишни билишаркан-да, - дея онахоналар томонга ҳаваcланиб қаради шерикларимиздан бири.

-Булар ўзи санъаткор эмасмикин? – деди яна бир дўстимиз.

Қувноқ даврага қизиқиб қолдиг-у ёнгинамиздан чинни лаганларда ҳоври чиқиб турган паловхон тўрани кўтариб, пилдираганча ўтиб бораётган ёш жувонлардан бирини тўхтатиб, узр сўрадик-да, онахонларнинг қаердан келганликлари-ю, касби корларини суриштирдик.

(Давоми 2-бетда)

**САНЪАТ**

# ТОРТИҚ ҚИЛИН(МА)ГАН ҚЎШИҚ

***Газеталар тахламини кўздан кечираётиб, бундан бир неча йил илгари обрўли нашрлардан бирида босилган мақола диққатимни тортди. Унда муаллиф қўшиқчилигимизнинг мумтоз намуналаридан бирига айланган "Доғман"нинг куйи ижроси ҳақида қисқача фикр юритади.***

Ўтган асрнинг 50-йилларида машҳур ҳофиз, устоз санъаткор Комилжон Отаниёзов томонидан куй басталаниб, ижро қилинган ашулани эндиликда санъат даргоҳига қадам қўяётган Жаҳонгир Отажоновдан тортиб, машҳур хонандалар Маъмуржон Тўхтасинов, Гулбаҳор Эркулова, Абдулҳай Каримовлар ҳам ўзига хос тарзда куйлашаётгани унинг аллақачон ўзбек қўшиқчилигининг дурдона асарлари қаторидан ўрин олганидан дарак беради. Мақоладаги ушбу сатрлар диққатимизни ўзига тортди:

"Бу қўшиқ мусиқасини устоз Комилжон Отаниёзов басталаган эканлар, - дейди Абдулҳай анча жимликдан кейин. – Қўшиқни басталаб Таваккал акага берган эканлар".

(Давоми 4-бетда)

Равшани МАҲСУМЗОД

# АСРАНДИ ҚИЗ

***Анча йил илгари буйрагим оғриб, шифохонага тушиб қолгандим. Ўзингизга маълум, шифокорлар ижозатисиз ташқарига чиқиш тақиқланганидан кейин, кунни кеч қилиш учун палатадошлар билан эзилиб гурунглашишдан бошқа илож қолмайди.***

Мен ётган хонада ёши тахминан элликларга бориб қолган, бир киши даволанарди. У ўта мулойим, ширинсухан одам эди. Юриш-туришидан, гап-сўзларидан шуни хулоса қилдимки, ҳамхонам ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, кўп бора турмуш

**ҲИКОЯ**

зарбаларига дуч келган, болалигида ота-онасидан ажраб, болалар уйида тарбия топган экан. Талабалик даврида бир курсдоши билан севишиб, оила қурибди, ҳозиргача иккови ҳам мактабда муаллимлик қилишаркан. Аёли ҳар куни келиб, унинг ҳолидан хабар олиб кетарди. У ҳар келганида ўзи билан етти-саккиз ёшлар чамаси қизалоқни етаклаб келарди. Қизча палатага кириши билан ўзини Соҳиб амакининг қучоғига отарди.

-Отажон, тузалиб қолдингизми? – дерди у болаларча ширин талаффуз билан. - Қачон уйга борасиз? Сизни жуда соғиндим.

(Давоми 4-бетда)

**ҲАҚИҚАТ ВА АФСОНА**

# ҚУДУҚЛАРДАГИ ҲИКМАТ

***Қудуқлар тўғрисида халқимизда жуда кўп афсоналар, ривоятлар бор. Шаҳар ва қишлоқлар номлари бевосита қудуқлар билан боғлиқлиги ҳам шундан. Масалан, Хива (Хевақ), Учқудуқ, Жалақудуқ ва ҳоказолар.***

Эсимда, мактабимизда дарслар тугагач, қишлоғимиздаги қудуқ тепасига чопардик, сувидан қониб ичардик. Челакни ипи билан қайта-қайта тушириб сув тортиб олаётганимизда завқланиб, яйраб кетардик. Бугун шу қудуқ ўрнидан катта кўча, йўл ўтган. Қудуқни эслатиб турувчи ҳеч нарса йўқ. Шу ердан ҳар сафар ўтганимда қудуқни кўксимда бир ачиниш билан эслайман.

Қадимда қудуқларнинг ўрни, аҳамияти катта бўлган. Унга одамлар мўъжизадек қарашган. Бундай қудуқлар энди фақат муқаддас қадамжоларимизда, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси кираверишида, Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳида, Бухоронинг ғарбий қисмидаги "Хўжа Хуббон" деган жойда сақланиб қолган.

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

"АСАББУЗАРЛИК" ЎЙИНИ

ОЛМОНЧА ҲИСОБ-КИТОБ

ИМКОН ТОПСА БЎЛАДИМИ?

# ҲАНГОМА

## ПАСПОРТ КИМНИКИ?

***Шокирбойнинг кўнгли саёҳатни тусаб қолди. “Тошкентга бормаганимга ҳам кўп бўлди. Бир томоша қилиб, айланиб келай”, - дея ўзига-ўзи сўз берди-да, эртаси куни йўлга отланди.***

-Хотин, мен кетдим, тезда қайтаман, - деди уйдан чиқаётиб.

Катта йўлга чиқиб, бир енгил машина билан Тошкентга йўл олди. Йўл-йўлакай ҳайдовчи билан у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб кетишди. Гап билан бўлиб, манзилга ҳам бир зумда етиб келибди. Ҳайдовчи билан хайр-хўшлашиб бозорга тушди. Бирин-кетин расталарни айланиб, ул-бул харид қилди. Шунда ундан милиция ходими келиб ҳужжат сўради. Шокирбой чўнтагидаги паспортини узатди. Ҳужжатни кўрган ходим мийиғида кулганча деди:

-Кечирасиз, сиз аёлми, эркакми?

-Кўриб турибсан-ку, укам, - деди бўш келмай Шокирбой. – яхшилаб қара.

-Мен-ку яхшилаб қарадим. Лекин паспортингиз аёл кишиники-ку.

-Йўғ-е.

Ишонқирамай паспортни олган Шокирбойнинг ўзи ҳам кулиб юборди.

-Уйдан чиқишда шошиб хотиннинг паспортини олволибманда, ука, - дея хижолатдан “ер чизиб” қолди у.

**Д.УЛУҒМУРОДОВ**

## КАЛЛА ГЎШТ

***Ҳар одамнинг бир қизиқиши бўлганидек, Шермат раиснинг ҳам калла гўштига ишқибозлиги бор эди. Яхшилаб тозаланган, милтиллатиб қайнатилган қора қўчқорнинг калласи унинг жону дили эди.***

Чигит экиш пайтида келиб қолган мухбирлар тушга яқин раисни идорадан топишди. Бу пайтда қозонда у яхши кўрган калла гўшт булқиллаб қайнар, атрофни ёқимли, иштаҳани қитиқлайдиган ҳид тутиб кетганди. Мухбирлар кулиб қўйишди:

-Айни вақтида келибмиз, шекилли.

Раис ҳам уларнинг гапини маъқуллагандек: “Бердибой, каллани тезлаштиринглар, -деди овозини кўтариб. - Гўшти суякдан ажрайверсин. Хасипга ҳам нина уриш эсдан чиқмасин-а”.

Мухбирлар эса янада иштаҳа билан интервью олишарди. Ниҳоят, суҳбат ҳам тугади. Кейин эса яна бир карра “калла пишдими?”, деб уларни кузатиб қўйишга чоғланди раис.

-Хайр, бўлмаса, қачон ўқиймиз энди? – деди улар машинага жойлашиб олгач.

-Насиб қилса, калла пишганда, -жавоб беришди мухбирлар ҳам мухтасаргина қилиб.

Машина олдинга силжиди, раис эса "калл-а-а-а", деганча қолаверди...

**Муҳаммад КАРИМ**

## “ТОМСУВОҚ”

***Шогирдлар устозга қарши тил бириктирдилар:***
***-Ўлсак ўламиз, аммо нос бермаймиз!***

Қирқ йилдан буён тилаб чекадиган Ражаб ашулачининг бу гапдан хабари йўқ эди. Кела солиб ноғорачига қараб қўл узатди:

-Носингдан ол...

Ноғорачидан садо чиқмади. Бошқа биров ҳам “марҳамат, уста”, дея қолмади. Ражаббой англадики, “аҳд-паймон” қаттиқ, аммо у ҳам бўш келмай бемаврид “исён”га шундай зарба бердики... Яъни, у “Эртага бир оғайнимиз қиз узатадиган бўлиб” жумласини ирод қила бошлагандаёқ ҳаммада нос чектириш иштиёқи пайдо бўлди. Қиш бошланиб, тўйлар камайгани сабаб, маишатидан маза қочган созандаларнинг бор вужуди қулоққа айланди. Нос пули важидан ҳам қийналиб турган Толиб сурнайчи астойдил умидланди.

-Унда эртароқ бориш керакдир, а, ака?

-Балки бир кун аввал, - ғўлдиради карнайчи.

-Ўзи жа-а сенларбоп, менбоп жой-у... – томоқ қирди ҳофиз. – Қани аввал бир чеким...

Шартлашувни мутлақо унутган машшоқлар шоша-пиша ёнбошларини пайпаслашга тушдилар.

-Ҳозир бора қолайлик, уста, - унинг кайфдан сузилган кўзларига мўлтайиб боқди ноғорачи.

-Қаёққа? – бақрайди сархуш ҳофиз.

-Биродарингизни тўйига-да.

-Ҳа-а, унгами? Борардик, аммо Тўрақўрғондаги қудасининг Учқўрғондаги қудаси ўлиб, тўйни кейинги ҳафтага қолдирган.

“Хушхабар”ни эшитиб, машшоқларнинг дами чиқмай қолди, бир кафт носга “тушган” сурнайчи тешилган пуфакдай бўшашди. Ражаб ашулачи ўлганнинг устига тепган қабилида “ола кетди”:

-Ҳаммангга ўзим фотиҳа берганман-а? – таҳдиддан шогирдларнинг боши букилди. – Тўй янаги ҳафтага, синфдош дўстимникига ортимдан сийлаб бормасанг ўзларингга уят. Беш-ўн сўм қистир-қистирда тушганини тўёна қиламиз, сенларга обрў, менга обрў. Буёғи “томсувоқ” (текин хизмат)...

“Маъруза” мана шу ерга келганда созандалар адойи тамом бўлишди. Бояги носни туфлаб бўлган Ражаб ашулачи ноғорачига ўқталди:

-Мунча шалпайдинг, носингдан ол-чи...

**Рустамжон УММАТОВ**

## ДАНАКЛАРИ КАТТА ЭКАН

***Кечки пайт уч-тўртта жўра ширакайф бўлиб тўйдан қайтаётгандик. Йўл четидаги полизни кўриб феълимиз айниди. Қовун-тарвуз ейиш учун ҳаммамиз ичкарига ёпирилдик.***

Қоронғу тун – ой кўринмайди. Атроф жимжит. Қоровулнинг ётоғи анча узоқда. Биз бир чеккадан қўлимиз билан қовун ва тарвузларни пайпаслаб сал каттароғи илинса, ёриб ейишга киришдик. Ҳар биримиз биттадан пуштани эгаллаб олганмиз. Шу алфозда пуштанинг нариги бошига чиқдик. Қорнимиз ҳам шишиб, ёрилай дейди. Собир, Зайни ва мен қовун-тарвузларнинг ширинлигини айтиб анча ҳузурландик.

-Қовунлар кечки экан, ҳали пишмаган, таъмиям йўқ, - дея гапга аралашди четда хомуш ўтирган Сирож.

-Қўйсанг-чи, жуда ширин, мазали-ку, - дедик биз.

-Билмадим, таъми йўқлиги оздай, данаклариям катта-катта экан – афти буришиб ранжиди Сирож. Қизиқиб у келган пуштадаги қовун-тарвузларга гугурт ёқиб қарадик. Не кўз билан кўрайликки, Сирож кирган пуштага ошқовоқ экилган экан. Бечора Сирож очкўзлик қилиб бемаза бўлсаям майли, дея тўйиб ошқовоқ еган экан.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

## ҚОВУН ТУШИРДИ

***Раҳматулло тоға ёши бир жойга борганда “нарёғи” яқин қолганини ўйлаб, мачитга қатнай бошлади. Умри бино бўлиб пешонаси ерга тегмаган, калимадан бошқасини билмайдиган Раҳмат тоға биринчи куниёқ намозга келганида қовун тушириб, жамоанинг кулгусига сабаб бўлди.***

Ўша куни Раҳмат тоғани қўшниси тонг саҳарда уйғотиб бомдодга олиб чиқди. Намозхонлар ётса-ётиб, турса-туриб, икки ракаат суннатни ўқиган бўлди. Сал кечроқ кириб келган собиқ хўжалик раиси Сувонқул ота ҳам унинг ёнида туриб бомдод суннатини ўқий бошлади. Ракаат охирида аввал ўнгга, кейин янги “намозхон” тарафга ўгирилиб салом берди!

“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!”

Раҳматилла тоға шошиб қолди. Раис менга салом беряпти, деб ўйлаб, шоша-пиша “алик” олди.

-И-и, ассалому алайкум раис бова. Узр, танимай қолман, эсон-омонмисиз, бола-чақа, неваралар...

Аввал аҳли жамоат унинг бу қилиғига тушунолмай қараб турди, масала ойдинлашгач, ҳамма баралла кулиб юборди. Ҳали юзига фотиҳа тортмасдан ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб юборган Сувонқул бува кулгидан аранг ўзини тўхтатиб, Раҳмат тоғанинг елкасидан аста тутди:

-Ҳе, сендақа намозхондан ўргилдим! Аввал “репитиция” қилиб, кейин келмайсанми мачитга!. Намозниям, таҳоратни ҳам ботил қилдинг, номард! – дея ўрнидан туриб кетди.

**Рустам БЕК**

# ЎҚИШДИ, УҚИШДИ, ЭНДИ АМАЛИЙ ИШГА

**(Боши 1-бетда)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараётгани, қишлоқ меҳнаткашларида ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик ҳиссини шакллантиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Бироқ жойларда айрим раҳбарларнинг бу борадаги ишларини қониқарли, деб бўлмайди. Жумладан, оилавий пудратчилар ва фермерларга ер ажратиш, уларнинг ердан унумли фойдаланишини назорат қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, минерал ўғит, кимёвий препаратлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, кредит маблағлари билан таъминлаш, чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаётир.

Тингловчилар жойларга борганда юқорида қайд этилган муаммо ва хато-камчиликларни эътиборга олган ҳолда семинар-мунозара давомида олган билим ва кўникмаларини амалиётга кенг татбиқ этишлари, Президент Фармонлари, қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга изчил жорий этишлари зарурлигига эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Н.Юсупов иштирок этди.

Раҳбарлар ўқуви учун ажратилган ўн кунлик фурсат ҳам интиҳо топди. Кимнингдир ютуқ ва муваффақиятлари, яна кимнингдир йўл қўйган камчиликлари ошкора таҳлил қилинди. Мавжуд муаммолар юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди. Қисқача айтганда, раҳбар ходимларнинг ўн кунлик умри бежиз сафарбар қилингани йўқ. Асосий мақсад раҳбар фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқарувдаги қусур ва нуқсонларни тезроқ бартараф этишдан иборат. Токи, халқимизнинг эркин ва фаровон жамият қуриш йўлидаги тўсиқ ва ғовлар имкони борича тезроқ барҳам топсин.

Йил бошидаги ўқиш ва уқиш якунига етди. Уларга гувоҳномалар топширилди. Кимдир, семинар-мунозарада муҳокама қилинган масалалар, айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқарди, керакли сабоқ олди, кимдир... Хуллас, буёғини олий ҳакам – Вақт кўрсатади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Марҳамат Қаюмова ўттиз йилдан буён Жиззах пластмасса очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишлаб келмоқда. Айни пайтда у халқ истеъмоли молларини тайёрловчи цехда фаолият кўрсатмоқда. Марҳамат ишлаётган бу цехда кунига 260 та тоғора, 240 та челак, 180 та бидон тайёрланмоқда.**

**-Корхонамизда асосан ёшлар меҳнат қилишади, - дейди М.Қаюмова. – Улар билан ишлаш, кези келганда устозлик қилиш менга завқ бағишлайди.**

**СУРАТДА: Марҳамат Қаюмова.**



Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## “БАРАКА”НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

***Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган Mercy Corps International (MCI) АҚШ Халқаро Меҳрибонлик Корпусининг “Барака” микромолиявий дастури кейинги бир ярим йил мобайнида 3300 нафар тадбиркорга бир миллиард сўм миқдорида кичик кредитлар берди.***

“Барака” микромолиявий дастурининг мақсади, - деди дастур ходими Нозим Қориев “Туркистон-пресс” мухбирига. – Кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланмоқчи бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш йўли билан кам таъминланган оилаларни моддий таъминланганлик даражасини оширишдан иборат. Биз микрокредитларни кичик ишлаб чиқариш, савдо-тижорат фаолияти, агробизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланаётганларга берамиз. Шу кунларда Наманган шаҳри, Косонсой, Уйчи, Учқўрғон туманлари ҳамда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги тадбиркорларга кредитлар бераяпмиз. Келгусида тадбиркор эркакларга ҳам микрокредитлар беришни бошлаймиз.

**“Туркистон-пресс”**

# ШЎРЧИДАГИ... ЭҲТИМОЛЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Бир лаҳза тинмайдилар: гоҳ ҳужжатларга имзо қўяди, гоҳ телефонда гаплашади, гоҳ ёрдамчидан ниманидир сўрайди. Сўзларидан фикрлари баланддай:

-Газ қурилиши билан ҳокимиятдан Шойимов шуғулланаяпти. Қурилишнинг бошига борасиз. Соат 12 ларда фермерларнинг бошлиғи келади. Уларнинг иши билан танишасиз.

Жолғош Тоғашовичнинг режаси қатъий ва аниқ. Бу кишидай тез ва чуқур фикрлайдиган раҳбарлар ҳаётда кам.

-Юринг! – ташқарига чиқдик. Машина йўқ экан.

Рўпарамиздан бир йигит келди. Жолғош Тоғашов дедилар:

-Бу йигит – Собиржон, ҳокимиятда ишлайди. Шойимов келади. Газлаштириш билан танишасиз. Фермерлар уюшмаси бошлиғи келади, у билан бирга фермерлар иши тўғрисида гаплашасиз. Собиржоннинг хонасида кутиб туринг...

Мен бир ҳисобда бу борадаги муаммоларни ўрганаётган эдим. Лекин буни очиқ айтмадим. Собиржоннинг хонасидаман. Янги йил байрамига 4 кун қолган пайт. Қалтирай бошладим. Хона совуқ. Эшик томондаги гултувакдаги гул қовжираб турибди. Совуқ урганми, сувсизликдан қуриганми, билмадим.

-Совуқ экан, Собиржон, - дедим.

-Хоналаримиз совуқ, - деди у ҳам совуққина оҳангда. Жуда камгап йигит экан. Хаёлимдан ўтди: ҳокимиятда шунақа бўлса, қишлоқларда аҳвол қандай экан? “Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрин на билсин?” деган қўшиқ бўларди. Йўқ, йўқ! Бу ердаги раҳбарлар “элнинг уйи исиса, бизнинг кабинетларимиз қизигандай гап” дейишиб, туман аҳолисига кўмак бераётган бўлсаларчи? Э-э, боя “ҳали туманнинг 50 фоизи ҳам газлаштирилгани йўқ”, дедилар-ку?! Ҳар хил ўйга боравермай турай-чи, ҳозир Шойимов келади. (Аслида, туман 32 фоиз газлаштирилган экан). Йўқ, Шойимов келмади. Чой ичгани бордик. Мен, Собиржон, яна битта дўсти.

-Ичасизми? – дейишди.

-Йўқ, ичмайман.

-Биз ичсак, хафа бўлмайсизми?

-Йўқ, бемалол.

Гурунгимиз қизиди. Икковлари “олишаяпти, олишаяпти”. Чеҳралари очилиб, яна хушчақчақлашишди. Иш вақтида-я, дейман хаёлимда. Аммо тўғри қилишаяпти. Совуқ хонада музлаб ўтиргандан кейин илож қанча?

Ҳокимиятга қайтдик. Шойимов келмабди. Фермерлар уюшмаси раиси ҳам йўқ. Нима қилайин? Кутаман-да. Айни пайтда жим ҳам ўтиролмасдим. “Бекорчидан – худо безор”. Ҳа, топдим. Ҳам кутаман, ҳам Шўрчини айланаман. Ранг кўр, ҳол сўр, дейишган. “Келсалар, кетмай туришсин, мен дарров қайтаман...”

Шўрчи шаҳри роса ўзгариб кетган бўлса керак? Балки тозалик, ободончилик, фаровонлик бўлиб, гулдай очилиб тургандир?! Шаҳар кўчасида бораётиб, Хушвақт Мардиев деган кишига дуч келдим.

-Ҳокимимиз ғайрат билан, ташаббус билан ободончиликни бошлади. Лекин... олдинига ташкилотларнинг ҳаммаси ишга тушди, тозалик бўйича. Мустақиллик кўчаси, Амир Темур кўчалари зўр бўлиб қолди. Ариқлар қазилиб, кўчатлар экилиб, кейин... Э-э, буёғини айтсам, тилим куяди, - қўлини силтай-силтай кетди.

Нима ҳам дердим?! Шаҳар кенг, эл кўп. Ҳокимиятга телефон қилдим. Мен кутган кишилардан ҳеч ким келмабди. Кутавераман ва йўлда кетавераман. Аҳмад ака Ҳамроев деган шўрчилик бир киши билан суҳбатлашиб қолдим...

-Чала иш – келтирар ташвиш, эскилар билиб айтган, - куйиниб гап бошлади у киши. – Туман ҳокими шаҳарни, қишлоқларни, кўчаларни обод қиламиз, деб би-ир киришди. Ҳаммаси чала қолди. Шўрчи пахта тозалаш заводининг орқасини кўринг... чиқиндилар, ифлосликлар, утилпутиллар уюм-уюм. Шаҳарнинг ичида шу.

-Шунгаям шунчами? Иш бор жойда камчилик бўлади, ҳа! – дейман.

Аҳмад ака яна оловланади:

-Бундан бешбаттар жойлар бор! Нефтбазанинг олдида қабристон бор. Зиёратга ўтаман десангиз, йўлнинг устида тоғдай-тоғдай ахлат чиқиндилари. Қабристонга ҳурматсизлик-ку! Виждон борми ўзи, деб юборасиз. Маҳалла бошлиғиям, “коммунал” бошқарманинг раҳбари ҳам, туманнинг ҳокими ҳам, ўринбосарлари ҳам шу ердан ўтади. Ҳаммаси кўриб кўрмасликка олади. Буёғи Бобур мавзеси. Қозоқсой дарёси ёни... шаҳар ҳаммомининг ўрнида чиқиндилар уюлиб кетган. Э-э, нимасини айтасиз.

-Шуларни раҳбарларга айтганмисиз?

-Ёзганман. Ҳоким мени шундан кейин ёмон кўриб қолди... – дейди Аҳмад Ҳамроев.

Дарвоқе, ҳокимиятга боришим керак. Кутишаётгандир. Аммо, биринчи ўринбосар айтган кишилардан ҳамон дарак йўқ. Ҳоким ёрдамчиси Абзоир акага дилимни очдим.

-Ана! Ҳокимнинг ўзи келаяпти, - дедилар Абзоир ака, деразага қараб ва йўлига пешвоз чиққани шошилдилар.

Мен Шўрчи тумани ҳокими Ў.Бобоқуловни аввалдан танирдим. Унда ҳокимнинг биринчи ўринбосари эдилар. Истараси иссиқ. Кўнгли очиқ. Изланувчан раҳбар. Ўзгариб кетмадилармикан?

Қабулхона эшиги очилди. Ҳоким кўринди. Қадамлар шаҳдли, залворли. Атрофга қарамадилар. Мен, “Полвонтош” хўжалиги раиси ва яна бир киши турибмиз. Жиммиз. Юзларида улкан ишларнинг ташвишли аломати. Кўзларида туман юкининг оғирлиги. Саломни ҳам... Кўрмадилар эҳтимол, байрамона кайфиятларини зоҳир этмаганлари ҳолда кабинетларига кириб кетдилар.

Ҳоким ёрдамчиси Абзоир ака ичкарига кириб, қайтиб чиқдилар ва менга деди:

-Сизни қабул қилолмас эканлар. Биринчи ўринбосарга учрашар экансиз, - сал ўйлаб турдилар-да, қўшимча қилдилар, - вақтлари йўғ-да... Ишлари жуда кўп, шудгорлаш туманда расво бўлиб ётибди. Қор-ёмғир ҳар куни. Ер лой. “Магнум” юрса қотириб ташлайди. Шудгор орқада қоп кетди...

Биринчи ўринбосар Жолғош Тоғашовични телефонда топдим.

-Зерикмай ўтирибсизми? – дедилар.

-Йўқ. Асло. Мана, беш ярим соатдан бери кутиб ўтирибман. Газлаштиришни, фермерлар ишини ўрганаман, деб.

-Биласизми, - дедилар у киши, - 3 та хўжаликка газ ўтказаётган эдик. Шундан 500 метр трубанинг жойи чиқмаяпти. Шунинг жанжали! Яна ярим соат кутинг.

Гўшакни қўйдим. Ажаб, 500 метр темир қувур йўқ. Ўзими, пулими? Нима дегани экан? Президентимизнинг Сирдарёда айтган “Қишлоқларни газлаштириш жараёнида айрим ташкилотлар раҳбарлари бюджет маблағларини талон-торож қилишга йўл қўяётгани, қилинмаган ишларни қўшиб ёзиш билан шуғулланаётганини фақат давлат мулки, халқ мулкига хиёнат деб баҳолаш мумкин”, деган сўзларини эсладим. Шўрчида бундай эмас. Деҳқону раҳбар тиним билмаётир. Ўтган йили пахта режаси бажарилмаган бўлса, бу йил уни бажариш учун ҳақиқий меҳнат қилмоқчи бўлишаётганмиш. Бошқа ишлар ҳам зўр бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бунақа гапирганим уч[illegible]. Нима ҳам дейин. “Шўрч[illegible]лар қалай экан?”, дега[illegible] жавоб топмоқчи бўлга[illegible]. Топган жавобларим сал м[illegible]роқ бўлди-ёв. Ҳар ҳолда анча бўлажак ишлар эҳтимолини билиб олдим-ку.

Туман ҳокимиятидан чиқиб, йўлга тушдим. Яна ярим соат вақтим беҳуда кетган эди. Жами бир кунни йўқотдим. Нима бўпти?! Шўрчилик фермерларнинг ғалабаларини ёзиш учун бошқа гал борарман. Ўшанда ҳоким ҳам мени бир дақиқагина қабул қилишга вақт топар, эҳтимол. Ва эҳтимол ўшанда қилинажак ишлар ҳақида эмас, қилинган эзгу ишлар ҳақида сўзлаб берарман Сизга.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ДАМ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

**(Боши 1-бетда)**

-Бувайданинг Беговотидан бўламиз, - деди паранг рўмол остига сиғмаган сочларини гажжак қилиб, қошларига ўсма-ю кўзларига сурмани келиштириб қўйган ширмой юз жувон. – Ҳаммамиз бир маҳаллада яшаб, бир далада ишлаймиз. Ғўзамизни ҳосилга “ётқизиб”, дам олгани келдик. Бу бизнинг ҳар йилги одатимиз. Камарсаданинг зилол сувларидан тўйиб-тўйиб ичиб, йилда бир-икки бор яйраб кетмасак кўнглимиз ўрнига тушмайди. Қани, ошга юринглар, меҳмонлар...

Раҳмат айтдик. Қалбимиздан шу топ “дам олишни билишаркан”, деган гап ўтди. Беговотлик аёлларнинг бир-бирларини силаб-сийлашига, енгил ҳазил-мутойибаларига, аҳил-иноқлигига, меҳр-оқибатига, сийрати-ю санъатига ҳавасимиз келди.

Шу аснода инсон умри, меҳнати, унинг бўш вақти, дам олиш, ҳордиқ ёзиш маданияти ҳақида ўйлаб қолдик.

Одам темир эмас. Темир ҳам занглайди, ейилади. Инсон зоти борки, қайси касбда ишламасин томирлари бўшашиб, чарчайди. Йилда бир бор-икки бор тинчосойиш дам олишга, ҳордиқ ёзишга эҳтиёж сезади ўзида.

Хўш, бу эҳтиёжини у қандай қондиради, қаерда, қай тариқа қондиради? Бу саволга оддийгина қилиб, “ана мамлакатимизнинг ҳамма гўшасида қатор-қатор санаторийлар, дам олиш уйлари бор. Марҳамат, истаган одам, истаган сиҳатгоҳига ёки оромгоҳига бориб дам олаверади-да, шу ҳам муаммо бўлдими?” дея жавоб бериш ҳам мумкин.

Аввало, тан олиб айтиш керак, ҳамма ҳам сиҳатгоҳлар, дам олиш уйларида ҳордиқ ёзиш имкониятига эга эмас. Яқинда қишлоқ мактабларидан бирида ишлайдиган анчайин обрў-эътиборли бир муаллимдан:

-Мана салкам ўттиз йилдан бери мактабда ишларкансиз, айтинг-чи, шу йиллар мобайнида неча марта санаторийга ёки дам олиш уйига бордингиз? – дея сўрадик.

Домла бундай саволни кутмаган эканми, боладек қизарди. Нимадир дейишга чоғланди-ю, яна “қалтис гап айтиб қўйиб тағин балога қолмай”, дегандек кўзларини олиб қочди.

-Наҳот, ўттиз йил бадалида бирор марта бирор жойга чиқмаган бўлсангиз? – яна саволга тутдик муаллимни.

-Қишлоқчилик... Уй-рўзғор, бола-чақа ташвиши, экин-тикин, мол-ҳол дегандек бир жойга чиқиб бўлади, дейсизми, ука, - деди у ниҳоят дилидагини тилига кўчириб. – Қолаверса, бир жойга бориб дам олишни чўнтак қурғур ҳам кўтаравермайди-да.

Бу энди гапнинг рости, индаллоси эди.

Чиндан-да, қишлоқ даласида, мактабида ёки корхонасида юқоридаги муаллимга ўхшаб бир умр ишлаб, умрида бирон марта маҳалласидан, қишлоғидан нари чиқиб, санаторийга ёки дам олиш уйига бормаган бундоқ одамга ўхшаб нафас ростлаб, ҳордиқ чиқармаган кишилар кўпчиликни ташкил этади.

Одам бу дунёга фақат меҳнат қилиш, бурни ерга тегиб, қулоғидан кун кўрингунча ишлаш учун келмайди. У яхши меҳнат қилиш баробарида яхши яшаши керак. Дунё неъматларидан баҳраманд бўлиши керак. Вақтини топиб кўнгил ёзиши, дам олиши керак. Меҳнат қанчалик зарурат бўлса, ҳордиқ ҳам ундан қолишмайдиган зарурат.

Табобат олимлари унумли меҳнатдан сўнг кўнгилдагидек дам олган организмда яна ишчанлик руҳи тикланишини, киши қайтадан куч-қувватга тўлиб, аввалгидан-да, ғайратлироқ, шижоатлироқ бўлиб қолишини, ўзида, вужудида ўзгача иштиёқ сезишини, худди ана шу иштиёқ билан янги-янги марраларни забт этиб, ишида муваффақият қозониши, янгилик яратишини амалда аллақачонлар исботлашган.

Шундай экан савол туғилади: Биз бўш пайтларимизни мароқли, мазмунли ўтказа оляпмизми? Умуман, биз дам олишни биламизми?

Ҳали айтганимиздек, кузатишимизча, Қўқон шаҳри, унинг ён-атрофидаги қишлоқлар аҳли дам олиш ҳадисини яхши олишган. Ёзги мавсум бошланиши билан водийнинг сўлим гўшалари, тоғли Шоҳимардон, Чодак, Чоркесар қишлоқлари, Камарсада каби инсон ҳордиқ ёзиши учун барча шароитлар муҳайё бўлган гўзал гўшалар қўқонликларга тўлиб кетади. Улар жамоа-жамоа, маҳалла-маҳалла, қўни-қўшни бўлиб, тўп-тўплашиб, керак бўлса қўйу қозонигача, дутору чилдирмасигача машинага ортиб, ўзлари хоҳлаган, кўнгиллари чопган жойларга чиқиб кетишади. Бир кунлаб, икки кунлаб, ҳатто ҳафталаб дам олиб қайтишади.

Ўтган йили Тошкентдан бораётиб, Қамчиқ довонидан сал наридаги, шундоқ катта йўл ёқасида жойлашган “Ҳасан самовар”да бир зум нафас ростлаб ўтмоқчи бўлдик. Киши қулочи етмайдиган улкан тераклар остидаги сўрилар йўловчилар билан гавжум. Оқ яктак ялангтўш Ҳасан ота фарзандлари-ю набиралари билан меҳмонлар хизматида. Қиздирилган қуйруқ иси димоқларни қитиқлайди. Сувлар шалдираб оқиб ётибди. Тангадек офтоб тушса-чи!

Шу пайт худди Камарсададагидек, улкан терак тагига қўйилган сўрида давра қуришган беш-ўн чоғли отахонлар эътиборимизни тортди. Ҳар бирларининг биқинида пахтадек пар ёстиқ. Дастурхон тўла ноз-неъмат. Ёнбошлашиб, кўк чой деганини симириб, бир-бирларига гурунг бериб, баҳузур дам олиб ётишибди.

-Отахонлар саёҳатга чиқишибдида? – қизиқиб сўрадик Ҳасан отадан.

-Булар ўн кундан бери шу ерда, - дея жавоб берди у, - олтмиш килоли қора қўчқорни сўйволишган...

Демак, юртдошларимиз орасида дам олишни биладиган, ширин жони қадрига етадиган одамлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар имкон қадар йилда, йил оша бирор санаторий ёки дам олиш уйига жўнаб қолишади. Жилла қурса имконини топиб кўнгил тортар ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари, сила аъзолари билан юртимизнинг сўлим гўшаларига, гўзал баҳаво жойларига саёҳатга отланишади.

Бу яхши. Лекин, шундай имконга эга бўлмаганлар қанча? Имконияти бўла туриб, бу “ҳузур-ҳаловат”нинг таъмини тотиб кўрмаганлар қанча? Шунинг учун ҳам одамларимизда дам олиш маданиятини, уларнинг бўш вақтларини, ҳали айтганимиздек, мароқли-мазмунли ўтказиш йўлларини излашимиз, ташкил эта олишимиз ҳам керак.

Бу – энди қишлоқ раҳбарлари, маданий-маиший соҳа мутасаддилари, зиёлиларимиз зиммасига тушадиган масъулият. Шу ерда дилимизни қитиғлаб турган бир неча саволларни ўртага кўндаланг ташлашга тўғри келади.

Хўш, қишлоқ одамларининг бўш вақти қандай ўтаяпти? Клуб, кутубхоналар ишлаяптими? Маҳалла чойхоналари-чи? Қишлоқда ёки маҳаллада спорт майдончаси, спорт зали борми? Клуб, кутубхоналарда, чойхоналарда одамларнинг ҳордиқ ёзиши, завқланиши, маънан бойиши учун қандай тадбирлар ўтказиляпти? Сўнгги пайтда туман маданият саройида, қишлоқ клубида қайси эл суйган санъаткор концерт берди? Қайси шоир ёки ёзувчи билан учрашув ўтказилди. Қайси театр, қайси спектаклни олиб келиб қўйди? Яна бир фикр-да: Наҳот, тоғ ёнбағирларида, гўзал, сўлим хушҳаво жойларда ширкат хўжаликларининг дам олиш оромгоҳларини ташкил этиш, вақти-вақти билан ширкат аъзоларини бу ерда дам олишини уюштиришнинг имкони йўқ?

Қишлоқ раҳбарларидан бири:

-Ҳамқишлоқларингизнинг, хусусан ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказяпсизлар? – деган саволимизга:

-Ўн саккизта маҳалламизда ўн саккизта биллиардхона ташкил этганмиз, - деб жавоб берганди.

Бу жавобдан энсамиз қотгани рост. Тўғри, биллиард ҳам спорт тури. Лекин, у сўнгги пайтда бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетгани, ота-оналар, қишлоқ оқсоқолларининг асабига тегаётгани ҳам бор гап. Эртадан ярим кечагача “шарақа шурук”. Қишлоқдаги ёки маҳалладаги бекорчиларнинг бори шу биллиардхонада жам. Ичкилик ҳам шу ерда бошланади. Биллиардни, ҳатто, кўп жойларда пул тўлаб ўйнаш, росмана қиморга айлантириш ҳолларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Ҳар нарсанинг чегараси, меъёри бўлгани яхши. Илгари республика, вилоят театрлари жамоалари қишлоқларга тез-тез чиқиб турарди. Ҳатто туман марказларидаги маданият саройларида “Театр кунлари” ўтказилиб, олис-олис қишлоқлардаги аҳоли автобусларда бу ерга олиб келинар, улар саҳна томошалари кўриб, маънан бойиб, кўнгил ёзиб кетишарди. Бизнингча, бундай яхши анъаналарни тиклаш пайти келди.

Телевидениеда “Шийпондаги учрашувлар”, “Оталар чойхонаси” деган жуда яхши кўрсатувлар бор. Бир таклиф деймизми, эътироз деймизми, нега энди бундай учрашувларни, одамларга кўп нарса берадиган, завқ-шавқ бағишлайдиган бундай тадбирларни ойда-йилда бир телевидение учун ташкил этиш керак!

Наҳотки, ҳар бир дала шийпонида тез-тез, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган, тиғиз паллаларда ҳам тушлик пайтлари ана шундай кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш, қишлоқ меҳнаткашлари, заҳматкашлари кўнглини яйратиш мумкин эмас?

...Афандининг қабрига “фалон йилда таваллуд топди, фалон йилда риҳлат қилди”, деб ёзилган эмиш. Зиёратчилардан бири синчиклаброқ қараса, Афанди бор-йўғи уч йилгина яшаган бўлиб чиқибди. Шунда “Наҳот Афанди бор-йўғи учга кирган?”, деб ажабланса, ёнидаги донишмандроғи айтибдики, “Бу ерда Афандининг фойдали, мазмунли, кўнгилли кечган йиллари қайд қилинган”.

Бу демак, инсон умрининг гўзал, фараҳбахш лаҳзаларигина умр китобига ёзилишга арзиркан.

Бўш вақт бойлик, деймиз. Билсак, бу бойликдан оқилона фойдаланиш - ҳар бир кунимизни, ҳар бир онимизни эсда қоларли қилиб ўтказиш, меҳнатни ҳам, дам олишни ҳам ўрнига қўйиш - ҳаётдан завқ ола билиш ҳам бир ҳислат, фазилат экан. Шундай эмасми?

**Ортиқали НАМОЗОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# МАНФААТЛАР КАФОЛАТЛАНГАН

(Боши 1-бетда)

Жумладан, Нурота туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги билан “Қалдирғоч” фермер хўжалиги ўртасида 2001 йилнинг 22 октябрида шартнома тузилган эди. “Қалдирғоч” бир миллион 49 минг 950 сўмлик 9545 килограмм маккажўхори донини “Ўзбекистон” ширкат хўжалигига етказиб берган бўлса-да, лекин унинг пулини ололмаган. Ушбу иш вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва даъво ариза суд томонидан қаноатлантирилди.

Худди шундай ҳолат Қизилтепа туманида ҳам содир бўлган. “Тошрабод” ширкат хўжалиги билан “Тойир ота” фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартномага асосан 312 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилган. Бироқ ширкат хўжалиги бу маблағни ўз вақтида тўламаган. Бу ҳолат ҳам назорат тартибида ўрганилиб, суд орқали фермер хўжалигига ана шу маблағ ундириб берилди.

Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларига ер берилишининг қонунийлиги ҳамда ернинг ҳақиқатда ажратилганлиги ўрганилганда қонунбузилишига йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, тегишли прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди.

Хатирчи туманидаги Мамарасул бобо-22 номли фермер хўжалигига А.Ёрлақабов номли ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг 3-сонли қарори ва туман ҳокимининг К-873-сонли қарорига асосан 10 гектар суғориладиган ер ажратилиши лозим бўлса-да, амалда фермерга 6 гектар ер майдони берилган, холос. Фермер хўжалиги 2001-2002 йилларда фойдаланмаган 4 гектар ер майдонидан олиши лозим бўлган даромади 2 миллион 442 минг сўм этиб белгиланиб, ўтган йилнинг 10 декабрида вилоят прокуратураси томонидан фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, Нурота туманидаги Очил Наврўз номли фермер хўжалиги бошлиғи С.Наврўзова “Тадбиркорбанк”нинг вилоят бўлимидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ололмаётганлиги аниқланган, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан фермер мушкули осонлашди.

Бундан ташқари шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларида текшириш ўтказилганда, жойларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилаётганлиги аниқланди.

Хатирчи прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тумандаги Нурмат бобо-21 номли фермер хўжалиги рўйхатдан ўтказишни сўраб 2001 йилнинг 19 октябрида туман ҳокими номига ёзган аризаси ҳокимликнинг 2001 йилнинг 20 октябрида тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими тўғрисида”ги Низоми 4-бўлим 3-бандига асосан икки соат ичида қайд қилиб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига тақдим этилиши шарт бўлса-да, бироқ орадан бир кун ўтгандан сўнг ариза қайд қилинганлиги ушбу фермер хўжалигининг йиғма жилдида зарур ҳужжатлар йўқлиги аниқланиб, ишга панжа орасидан қаралганлиги, масъул шахсларнинг эътиборсизлиги аён бўлди.

Худди шундай нуқсонларга тумандаги Мўмин бобо-2001 номли, Асилбек-2000 номли, Эгамқул бобо номли, Лочин номли ва Орифжон-2 номли фермер хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказишда ҳам йўл қўйилган. Афсуски, бунга ўхшаш ҳолатларни вилоятдаги Қизилтепа, Томди ва Конимех туманларида ҳам учратиш мумкин.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда унинг қуйи тизимларида деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Унда маълум бўлишича, қонунчилик талаблари ижроси қониқарсиз аҳволдалиги, уюшма масъул мансабдор шахслари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳуқуқий, амалий ёрдам кўрсатиш ва улар томонидан қонунчилик талабларининг бажарилиши юзасидан назорат пасайтириб юборилганлиги аниқланди. Бу борада вилоят прокуратураси бир қатор тезкор чораларни амалга оширди.

Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ширкат хўжалиги аъзолари билан уларнинг муаммолари юзасидан ўтказилган учрашувларда корхона ва ташкилотларга шартнома асосида етказиб берган маҳсулотлар ёки бажарган ишлари учун мутасадди раҳбарлар шартнома шартларида кўрсатилган муддатда пулларни тўлаб бермаганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан уларнинг манфаатларини кўзлаб вилоят хўжалик судига 48 миллион 618 минг сўмлик 18 та даъво аризаси киритилди ва улар хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди.

Аммо, Навоий туманидаги “Шарқ Карвони”, Қодирбобо номли, Навбаҳор туманидаги Барно номли, Беҳзод номли, Хатирчи туманидаги “Кафолат”, Аҳрорбек номли фермер хўжаликлари давлатга бир килограмм ҳам дон топширмаган.

2002 йилги пахта ҳосили учун 1285 та фермер хўжаликлари томонидан 32597,1 тонна пахта хом ашёси топшириш ҳақида шартнома тузилган бўлиб, давлатга 29108,7 тонна пахта топширилган ёки режа 87,33 фоизга бажарилган.

Навоий туманидаги “Ҳамкорлик”, “Азиз-2001”, Қизилтепа туманидаги “Аббосбобо-2000”, Хатирчи туманидаги Мустафо бобо номли, Навбаҳор туманидаги Бобоқулбобо номли фермер хўжаликлари давлатга пахта топширмаган.

Юқорида номлари қайд этилган фермер хўжаликлари давлатга пахта ва ғалла топширмаган бўлсалар-да, вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги томонидан уларнинг фаолияти, шартнома шартларини бажармаслик сабаблари, уларнинг муаммолари ўрганилмаган. Мазкур ҳолатларда фермер хўжаликларининг айби бўлган тақдирда улардан ерларни қайтариб олиш чоралари қўлланилмаган.

Вилоят прокуратураси томонидан 2002 йилда тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини ҳимоя қилишга доир қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 20 та тақдимнома киритилиб, қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида 38 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, 1 нафар шахсга интизомий иш қўзғатилиб, қонунсиз қарорларга 25 та протест киритилиб, вилоят хўжалик судига 48 миллион 618 минг сўмлик 18 та даъво аризаси тақдим этилди.

Шунингдек, деҳқон-фермер хўжаликларига 279 гектар ер, 73 тонна минерал ўғит, 15 та техника, 50 тонна ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, 363 тонна омухта ем ва 33 миллион сўмлик кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Кўриниб турибдики, бу саъй-ҳаракатлар замирида аввало бугуннинг мақсад ва вазифаси саналган мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, прокуратура фаолиятида бош дастуриламаллардан биридир.

**Баҳриддин ЭРГАШЕВ,**
**Навоий вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.**

# ҚАЛЛОБЛАР

(Боши 1-бетда)

Шаҳардаги “кечки” буюм бозори, Ургут, Пайариқ, Нарпай, Пастдарғом сингари қатор туманлардаги буюм бозорлари ғайриқонуний савдо ўчоқларига айланиб қолмоқда. Бу бозорларда кафолатланмаган озиқ-овқат, консерва маҳсулотлари, ичимликлар ҳам аралаш-қуралаш сотилмоқда.

Сиёб туманида савдо фаолияти билан шуғулланиш учун 1398, миллий таомлар тайёрлаб сотиш учун 75 тадбиркор рўйхатдан ўтган. Ўтган 2002 йил давомида туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган рейдлар натижасида 173 ҳолатда қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Айбдорлар 3830,4 минг сўмлик молиявий, 2098,2 минг сўмлик маъмурий жаримага тортилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори асосидаги текширишларда 66 ғайриқонуний ҳолат расмийлаштирилди. Уларга нисбатан 954,1 минг сўмлик жарима қўлланилди. 28828,6 минг сўмлик маҳсулот суд қарори билан мусодара қилинди.

Ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳукумат қарорларини тан олмасликка уринган қинғирлардан бири Самарқанд туманининг Пулимуғоб қишлоғида яшовчи Суҳроб Юсуповдир. У чет элда ишлаб чиқарилган мол-маҳсулотлар билан савдо қилишга рухсатномаси бўлмаса-да, бу ишга берилиб кетди. Оқибатда 144,5 минг сўмлик товар билан қўлга олинди ва судда юкларини топширишга мажбур бўлди. 13,6 минг сўм жарима ҳам тўлади. Шаҳардаги Жамшид кўчаси 54-уйда яшовчи Маҳбуба Ҳақназарова ҳам худди шу тахлитда 158,1 минг сўмлик маҳсулотидан ажралиб, 13,6 минг сўм жарима тўлади. Кулолон кўчаси 21-уйда яшовчи Маҳбуба Раҳмонова, Жиззах кўчаси 24-уйда турувчи Обид Раҳматов, Тошкент кўчаси 21-уй соҳиби Суҳроб Ўроқов, Мироқилов кўчаси 2-уй соҳиби Аҳрор Маҳмудовлар эса чет элда тайёрланган, кафолат белгилари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, сигареталар билан ноқонуний савдо қилиб, тузоққа илиндилар. Афсуски...

Афсуски, уларнинг қисмати бошқаларга сабоқ бўлмаяпти. Шу йилнинг январ ойи икки ўн кунлигида туман солиқчилари яна “тадбиркор”лардан 2400,0 минг сўмлик миқдордаги ғайриқонуний савдога чиқарилган хориж маҳсулотларини ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб, сохта “тадбиркорлар” ишини судга оширдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтишни истардикки, қилмиш-қидирмиш деганларидек, ҳеч бир жиноий ҳаракат жазосиз қолмайди. Ўтиш даври мураккабликларини мардона енгаётган халқимизнинг оёғига ўралишга интилаётган чирмовиқлар албатта узилади.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## “Қашқадарёдонмаҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг акционерлик уюшмаси”да 2003 йил 10 январда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қабул қилинган қарор

## ЭЪЛОНИ

**1. “Қашқадарёдонмаҳсулот” ИЧАУ-сини “Қаршидон” очиқ ҳиссадорлик жамиятига кўчириш ҳақидаги “Қашқадарёдонмаҳсулот” ИЧАУ бош корхонаси ва “Қаршидон” очиқ ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгашининг 25 декабр 2002 йилдаги № 32 сонли қарори маъқуллансин.**

**2. Уюшма бош корхонаси ўзининг аввалги номи “ДУНЁ-М” очиқ турдаги акционерлик жамияти деб кўпчилик овоз билан тасдиқланганлиги инобатга олинсин ва мустақил фаолият кўрсатувчи корхона сифатида эътироф этилсин.**

**3. “ДУНЁ-М” очиқ акциядорлик жамияти раиси вазифасига “Қашқадарёдонмаҳсулот” ИЧАУ раиси муовини вазифасида ишлаб келган Ёқубов Абдулла Очилович кўпчилик овоз билан сайланганлиги инобатга олинсин.**

**4. Жамият Низомининг тегишли бандларига зарур ўзгартиришлар киритилсин.**

**Кузатув кенгашининг раиси:**
**С.ХЎЖАЁРОВ**

# ЯНГИ УСУЛ АФЗАЛЛИГИ

***Муборак Қашқадарёнинг чекка туманларидан ҳисобланади. Биз ана шу туманда фермерлик, фермерларга бўлган эътибор билан қизиқдик.***

-Бизнинг туманимиз сувсиз, чўл ҳудудларидан ҳисобланади. Бир хўжалик билан иккинчи хўжалик орасидаги масофа 40-50 километрдан иборат. Ана шуни ҳисобга олиб, биз туман меҳнаткашлари, хўжалик раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, бир қанча ширкат хўжаликларимизни фермер хўжаликларига айлантирганмиз, - дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қўйли Раҳмонов. – Натижа ҳам ёмон эмас. Ахир мулк деҳқоннинг ўзиники, демак ерга, ўша мулкка ўзи хўжайин. Ишни режалаш, бошқариш унинг ўз ихтиёрида. Бир мисол келтирай: “Хўжамуборак” номли фермер хўжалигининг 305 гектар ери бор. Шундан 224 гектари суғориладиган ер, қолгани лалми.

Мана шу хўжаликни ўтган йили фермер хўжалигига айлантирган эдик. Фермер хўжалиги яқинда ташкил этилган бўлса-да, самарадорлик яхши. Мазкур хўжаликка раҳбарлик қилиб келаётган Бешим ака Тўевнинг пахтадан ҳам, ғалладан ҳам юқори ҳосил берганлиги

### ИНТИЛИШ

бунга мисол бўла олади. У ўзининг 90 гектар еридан, ўтган 2002 йилда пахтадан 42 миллион, ғалладан эса 118 миллион сўм соф фойда қилди. Албатта, бу нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Бу ҳам бўлса Бешим аканинг ишнинг кўзини билишида, меҳнатсеварлигида. Биз ана шу самарадорликни янада ошириш учун 35 та фермерларни унинг хўжалигига қўшиб бердик. Қилинаётган ишлар ҳам дарҳол сезилмоқда. Бирлашган ўзар деганларидай. Бешим ака бошчилик қилаётган барча фермерлар шудгор қилиб, буғдойни экиб бўлишган. Баҳорги экинларга тайёргарлик ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Эрниёз Искандаров, Жума Тўев, Эркин Эшмуродов каби фермерлар аллақачон техникаларни созлаб, тахт қилиб қўйишган. Бир сўз билан айтганда, ишни билганга фермерлик кони фойда.

-Ҳамма ҳам фермер бўла оладими?

-Йўқ,- қатъий жавоб беради ҳоким ўринбосари.

Иқтисодчи, тадбиркор, иши билан сўзи бир бўлмаса фермер бўлиш қийин. Фермер ўзининг, халқининг, давлатининг келажагини ўйлаб, тўқ ва бой бўлишига хизмат қилмоғи керак.

**Раъно ТОЖИАЛИЕВА**



**Солиқ тизими мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Буни чуқур тушуниб етган Жомбой тумани ДСП жамоаси ўтган йилни юқори кўрсаткичлар билан якунлаб, янги 2003 йилни муносиб кутиб олдилар. Бу борада жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.**

**СУРАТДА: жомбойлик солиқ инспекцияси ходимлари (чапдан) Тўлқин Мамадалиев, Зокир Қодиров, тадбиркор Отабой Жўраев ва Умар Рўзиевлар иш юзасидан фикр алмашишмоқда.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ЯХШИ ПАРВАРИШЛАГАН ХИРМОН ҚИЛУР...

***Мутахассисларнинг маълумотларига кўра 2003 йил ҳосили учун 1 миллион 450 минг гектар ерга бошоқли дон экилган бўлса, қиш бошлангунга қадар унинг 57 фоизида туплаш, 30 фоизида 2-3 тадан барг чиқариш, қолган қисмида эса униб чиқиш жараёни кечаётган эди.***

Ўсимлик ҳолатининг бундай турлича бўлиши ноқулай об-ҳаво шароитларида замбуруғли касалликлар, хусусан, илдиз чиришининг кўпайишига олиб келади. Қишли-қировли кунлар бошлангунга қадар тупланиш жараёнига эришилган пайкалларда ўсимликнинг илдизи яхши ривожланиб, ҳаво ҳарорати ва тупроқдаги ўзгаришларга чидамлилиги юқори бўлади. Шунинг учун ҳам тажрибали ғаллакорлар ёғин-сочинли дамлар бошлангунга қадар ўсимликни туплантириб олишга астойдил ҳаракат қиладилар.

Ҳаво ҳароратининг пасайиши, ер юзасини узоқ муддат қор қоплаб туриши, пайкалларда сувнинг ҳалқоб бўлиб қолиши ва умуман намгарчиликнинг юқори даражаси ғалла майсалари нобуд бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида ғалла ниҳоятда сийраклашиб қолади. Ана шундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун мутахассислар, ғаллакорлар, фермерлар агротехникада кўрсатилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли адо этиш чораларини кўришлари керак. Чунончи, ўсимликнинг турли ноқулайликларга чидамли бўлиши ва яхши ривожланиши учун кўзда тутилган миқдорда маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантирилиши муҳим аҳамият касб этади. Қор-ёмғир сувлари ҳалқоб бўлиб тўпланиб қолмаслиги учун эса уларни ташламаларга чиқариб юбориш тавсия этилади.

Ҳар бир экин ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан ўсимликнинг тўлиқ бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, фермерлар кузги ғалланинг ҳолатини, ҳар бир квадрат метр майдонда қанча миқдорда ўсимлик борлигини ҳисобга олган ҳолда иш тутишлари талаб этилади. Агарда совуқ уриши, тупроқда намгарчиликнинг кўпайиб кетиши, илдиз чириши ва бошқа сабабларга кўра ўсимлик сийрак бўлса, қўшимча экиш ёки бузиб экиш мақсадга мувофиқдир. Бунда кўп йиллик тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир квадрат метр майдонда ўсимлик 200 тупдан кам бўлмаганда қўшимча уруғ экиш тавсия этилади. Юқоридаги кўрсаткич

### ҒАЛЛАЧИЛИК

150 туп бўлса, шундай пайкалларни бузиб ташлаб, баҳорги буғдой навларини экиш яхши натижа беради. Пайкалларга қўшимча экиш ва бузиб экишда ғалланинг Маржон, Грекум-439, Сангзор-4, Карлик-85, шунингдек, Краснодар ўлкасидан келтирилиб экилаётган Юна, Дельта, Офелия каби навларидан фойдаланиш зарур. Бунда уруғнинг тозалигига, унувчанлик даражаси юқори бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Экиш пайтида ҳар бир гектар ҳисобига 20 килограммдан азотли ва шунча миқдорда фосфорли ўғитлардан фойдаланилади. Ўсимлик униб чиқиш даврида эса гектарига 35-40 килограммдан азотли ўғитлар билан озиқлантириш талаб этилади. Юқорида таъкидланган навларнинг униб чиқиш-туплаш жараёни қисқа – яъни 25-30 кун бўлиб, баҳорда яхши ривожланади.

Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти, унинг филиаллари ва тажриба хўжаликлари мутахассисларининг таҳлилига кўра мамлакатимизда 2003 йил ҳосили учун экилган бошоқли доннинг ҳолатини нисбатан яхши деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга мураккаб об-ҳаво қийинчиликларидан келиб чиққан ҳолда туп сони белгиланган миқдорда бўлган пайкалларда озиқлантириш, турли касалликларга қарши кураш чораларини ўз вақтида, агротехника асосида бажариш талаб этилади. Бунда эрта баҳорги озиқлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Азотли ўғитларнинг асосий қисми ўсимлик ривожланишининг туплаш ва найчалаш босқичида берилиши мақсадга мувофиқдир. Эрта баҳорги озиқлантиришда бериладиган азот миқдорини белгилашда бошоқли доннинг қандай экиндан кейин экилганлиги ҳисобга олиниши зарур. Чунончи, бошоқли дон дуккакли экинлардан кейин экилган бўлса, гектарига 35-40 килограмм, маккажўхори ва пахтадан кейин экилган бўлса, гектарига 70-80 килограмм азотли ўғит бериш тавсия этилади. Озиқлантиришни биринчи навбатда буғдой майсалари яхши ривожланмаган майдонлардан бошлаган маъқул. Бу тадбир шундай пайкаллардаги ўсимлик ривожини бошқа майдонлардагига етказиб олиш имконини беради. Баҳорги озиқлантиришни ҳавонинг кунлик ўртача ҳарорати 4-5 даража илиқ бўлган пайтда ўтказиш, 8-10 кунда якунлаш яхши натижа беради. Бу тадбирни жуда эрта ёки кеч ўтказиш ўсимлик ривожланишига салбий таъсир этади.

Ушбу тавсияларга ва илмий жиҳатдан асосланган бошқа агротехника талабларига амал қилинса, ғаллачиликда кейинги йилларда эришилаётган натижалар мустаҳкамланиб, 2003 йилда янада юқори кўрсаткичлар қўлга киритилади, деб ўйлаймиз.

**Р.СИДДИҚОВ,**
**Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти Бош директори.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## МЕКСИКАДА ЕР СИЛКИНИШИ

***Мексикада юз берган 7,6 балли ер силкиниши мамлакат аҳолисини ваҳимага тушириб қўйди. 45 сониялар давом этган ер қимирлашининг маркази Мексика пойтахтидан 480 километр ғарбда жойлашган Колима штатига тўғри келган.***



Мехико шаҳрида электр тармоқларига зарар етган. Силкинишдан саросимага тушган одамлар уйларини ташлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Эпицентр атрофидаги аҳоли пунктларига жиддий зарар етган ва камида 20 киши ҳалок бўлиб, 100 дан ортиқ кишилар жароҳат олганлар. манбаларга кўра, қурбонлар сони ошиши мумкин, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

## БУШГА САДДАМНИНГ РЕЖАСИ АЁН

***Оқ уйда журналистларга интервью берган АҚШ президенти Жорж Буш Саддам Ҳусайн БМТнинг қуролсизланиш борасидаги талабларини бажармаётганлигини айтди.***



“Унинг қуролсизланишни хоҳламаётганлиги менга аён бўлди. Унга берилган вақт эса охирига қараб кетмоқда”, деди Жорж Буш.

Айни бу вақтда Пентагон ташкилоти вакили яқин ой ичида Ироққа қарши уруш бошланиши мумкинлигини билдирди. Яқин кунларда эса АҚШнинг 2 авианосеци белгиланган объектга бориши керак бўлса, бошқа 2 авианосец Форс кўрфазида уруш бошлаш учун буйруқ кутиб турибди.

## ШРЁДЕР: БИЗ УРУШГА ҚАРШИМИЗ

***Германия Федерал канцлери Герхард Шрёдер, агар БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатиш борасида резолюция қабул қилган тақдирда ҳам, расмий Берлин уни қўллаб-қувватламаслигини маълум қилди.***



Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлмаган Германия ўзининг ушбу сиёсати билан урушга қарши риториками сақлаб қолишга уринмоқда. Ҳозирда бундай қарашни Берлиннинг яқин иттифоқдоши ҳисобланмиш Париж ҳам қўллаб-қувватлаш арафасида. Аммо, Вашингтон ҳамда Лондон эса уруш бошлаш учун Форс кўрфазига ўз қўшинларини жойлаштирмоқда.

## ПХЕНЬЯН: ЯДРО ҚУРОЛИ РИВОЖЛАНТИРИЛМАЙДИ

***Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида бўлиб ўтаётган музокараларда асосий эътибор расмий Пхеньяннинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида тузилган шартномадан чиққанлигига қаратилмоқда.***



Шимолий Корея делегацияси раҳбари Ким Йон Сонгнинг билдиришича, Пхеньян ўз ядро қуролини шакллантириш ниятида эмас.

Сеулда жанубликлар билан музокаралар ўтказган АҚШ давлат котибининг ўринбосари Жон Болтон Шимолий Корея масаласи БМТ Хавфсизлик Кенгашида кўриб чиқилишини маълум қилди.

## 300 КИЛОГРАММ ПОРТЛОВЧИ МОДДА

***Исроил шимолидаги Умм-Эль-Фахм шаҳри яқинида полиция хизмати 300 килограмм портловчи модда олиб кетаётган автомобилни ушлади.***



Айнан шу шаҳарда террор акти бўлиши кутилаётганлиги сабабли хавфсизлик чоралари кучайтирилган эди. Машинани қўлга олиш вақтида унинг ичида бўлган 4 киши қочишга улгурган. Исроил ҳукумати эса 28 январ куни бўладиган сайловлар вақтида террор ҳуружидан хавотирланмоқда.

4 ойлик танаффусдан сўнг эса Ҳизбуллоҳ гуруҳи Гар Дов шаҳрида Исроил қўшинларига ҳужум уюштирганлар. Унга жавобан ҳаракат қилган исроилликлар Ливан давлати жанубидаги Шуба ва Шааба қишлоқларини ҳам ҳаводан туриб бомбардимон қилдилар.

## СУИҚАСД ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

***Туркманистон президентига уюштирилган суиқасдда айбланган 7 нафар жиноятчилар озодликдан маҳрум этилдилар.***



Улардан уч нафари: собиқ ташқи ишлар вазири Ботир Бердиев, собиқ Тошовуз вилояти ҳокими Язкелди Кундоқдиев ва миллий хавфсизлик қўмитаси раисининг собиқ ўринбосари Оразмуҳаммад Бердиевлар 25 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Суиқасд ташкилотчиси Борис Шихмуродовнинг акаси Константин Шихмуродов 17 йилга ва дўсти Рустам Жумаев 18 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

**“ИНТЕРНЕТ” тармоғидан олинди.**



ҒУРУР

# ЎЗБЕКИСТОН АТАЛГАН ЮРТ БОР

**Туғилдиму дунёни кўриб,**
**Ватанимнинг меҳрини сездим.**
**Чиройингдан завқланиб юриб,**
**Гўзал юртим минг бора кездим.**
**Шеърим, парвоз қилгил самога,**
**Сўзларимни айлагин ошкор.**
**Овоз бергил бутун дунёга:**
**"Ўзбекистон аталган юрт бор!"**

**Укувим йўқ эртак сўзлашга**
**Ростин ёзай, имкон бер, илҳом.**
**Йўқса шеърим ташлар оташга,**
**Сенинг ҳадянг бу буюк инъом.**

**О, илоҳим, учгил Зуҳрога**
**Жилолангил мисоли баҳор.**
**Сен етказгил бутун дунёга:**
**"Ўзбекистон аталган юрт бор!"**

**Кўп синовлар ўтди бошлардан,**
**Асорати - кўз ёшлар ҳаққи;**
**О, илоҳим, айлан дарёга.**
**Уммонларга ўзинг бўл ҳамкор.**
**Сен ҳайқиргил бутун дунёга:**
**"Ўзбекистон аталган юрт бор!"**

**Валижон ОЧИЛОВ**

# АСРАНДИ ҚИЗ

(Боши 1-бетда)

Соҳиб амаки ҳам уни эркалаб, майин сочларини силаркан, қизалоқнинг овозига тақлидан жавоб қайтарарди:

-Асал қизим, яна икки кунгина қолди. Дўхтир амакинг жавоб беришлари билан менам уйимизга кетаман. Кейин икковимиз ҳў тунов кунгидек бекинмачоқ ўйнаймиз. Сен жавоннинг орқасига бекинасан, мен эса сени қидириб-қидириб топиб оламан.

-Мен сандиқнинг ичига кириб олсам, сиз сираям тополмайсиз.

-Барибир топаман.

-Бир гал тополмагандийз-ку?

-Энди топаман-да!

Уларни кузата туриб мен ҳам завқланиб кетаман.

-Неварангиз мунча ширин бўлмаса, - дея уларнинг суҳбатига аралашаман.

-Невараммас бу, қизим, - дейди амаки кулимсиниб, - йигирма беш йиллик интизорликдан сўнг қизалоғимиз тор ва совуқ лаҳаддек қоронғу уйимизга нуру ҳарорат олиб киргандек бўлди. Ҳар оқшом Парвардигорга мингдан-минг шукрона айтаманки, дунёдан беиз, очиқ кўз билан кетмайдиган бўлдим.

Соҳиб амаки бу гапни аллақандай ғурур билан айтди-да, қизчасини оҳиста кўтариб, ташқарига, хотинини кузатишга чиқди. Кўп ўтмай, палатага даволовчи врач Хусравжон кириб келди. Мен деразадан ота-болани ҳавас билан кузатарканман:

-Соҳиб амаки қанчалар бахтли эканлар-а, тақдирни қаранг, худо бераман, деса, эллик ёшда ҳам бераверар-кан-да. Шунча йил фарзанд кутишнинг ўзи бўладими? – дедим.

Хусравжон ойнадан анча вақт тикилиб тураркан:

-Қизчани асраб олишган, - деди кимдир эшитиб қоладигандек жуда паст товушда.

-Йўғ-э?

-Ҳа. Сизга аввал айтмаган бўлсам керак. Биз Соҳиб амаки билан қўшни турамиз. Уни болалигимдан бери биламан. Эр-хотин мактабда дарс беришади. Қўшни болаларнинг деярли ҳаммаси уларнинг қўлида таҳсил олади. Шунинг учун амакини ҳам, аёлини ҳам катта-ю кичик бирдек ҳурмат қилади. У киши мени ҳам ўқитган. Ҳеч нарсадан ками йўқ. Фақат тақдир уларни тирноқдан қисган экан. Шунинг учун бечораларнинг кўнгли ярим эди. Тўй-маъракаларга кам боришар, ўзларини кўпчиликдан ҳоли олиб юришарди. Хотини Сабоҳат хола бўлса, келин тўйларига қадам ҳам босмасди. Афтидан, тўй эгалари пуштсиз аёлнинг чимилдиқли уйга қадам босишидан ирим қилишларидан қўрқарди. Халқимизнинг қанчалик иримга ўчлигини ўзингиз биласиз. Бирорта беандиша аёл, бундай пайтда холанинг фарзандсизлигини юзига солмайди дейсизми? Хуллас, Сабоҳат хола фаросатли, доно аёл бўлгани учун ҳар бир қадамини ўйлаб босарди. Дунёда оғзига кучи етмайдиганлар озмунчами?

Кунлардан бирида, хола дарс бераётган пайтида сал тартибсизроқ ўқувчисига танбеҳ бериб, юзига астагина шапатилаб қўяди. Бола эса уйига югуриб боради-да, онасига айтади. "Жонкуяр" она муаллиманинг ёнига ҳовлиқиб киради-ю, бақира кетади: "Сен бировларнинг боласини уришдан аввал, ўзинг бир-иккитани туғиб катта қилгин, кейин биласан, бола ўстириш азоби қанақа бўлишини..."

Бу воқеадан кейин хола анчагача ўзига келолмай юради. Парвардигор уларга фарзанд насиб этмаганини тушуниб, бола асраб олишга қарор қилади. Ниҳоят, онаси туғиш чоғида вафот этган мана шу қизалоқни фарзандликка олади. Бироқ, қизчани уйига олиб кириши билан Соҳиб амаки шовқин-сурон кўтаради, бировнинг боласини асраб олишга сира-да рози бўлмайди. Қўшнилар ҳам уни кўндиришга уриниб кўришади, аммо фойда чиқмайди. Сабоҳат хола ҳам оёқ тираб туриб олади. Қизчани олиб онасиникига боради ва ўша ерда яшай бошлайди.

-Яхшиямки, ажраб кетишмабди, - дея унинг гапини бўлдим мен.

-Йўқ, улар бир-бирларини қаттиқ яхши кўришган. Шу қизча туфайли ораларига бироз совуқлик тушган бўлса-да, Сабоҳат холанинг бир оёғи ўз уйида, иккинчиси онасиникида бўлган. Хуллас, қизча кундан-кун улғайиб, оёққа киради. Эсимда, баъзида Сабоҳат хола Нилуфарни (қизчанинг исми шунақа) ўзи билан тез-тез уйига олиб келарди. Назаримда, қизча кундан-кун улғайиб, ширин бўлиб бораётганди.

Кунлардан бир куни Нилуфар даҳлизда ўйинчоқлари билан овуниб ўтирганда, эр-хотин ичкарида яна жанжаллашиб қолишади. Табиийки, бу келишмовчилик ҳам шу қизча устидан эди. Эсини таниб, кўп нарсага ақли ета бошлаган қизалоқ ичкарига киради ва Соҳиб амакига қарата:

-Отажон, сизни қизийиз бўлишимни хоҳламайсизми? Ҳамманинг боласи бор, сизники эса йўқ. Мени қаранг, чиройликкинаман. Мен сизни жудаям яхши кўраман, катта бўлсам, кўйлакларингизни ювиб бераман, овқат тайёрлайман!.. – дейди.

Ҳамсоялар бир гапни ҳозиргача айтиб юришади. Гўёки, бу гапларни унга онаси ўргатган эмиш. Бироқ, Сабоҳат хола қасам ичиб айтишича, бу гапларни унга ҳеч ким ёдлатмаган.

Хуллас, бу воқеадан кейин Соҳиб аканинг юраги сувдек эриб оқади. Нилуфарни кўтариб бағрига босади-ю, ҳўнграб йиғлаб юборади. Шу кундан бошлаб у Нилуфарни фарзандликка қабул қилади. Қўни-қўшниларни чақириб, камтаргина зиёфат беради. Ўша куни биз ҳам уникига чиқиб, амакининг хурсандчилигига шерик бўлдик. Ҳамма қизчани қўлма-қўл қилиб эркалай бошлади...

Шу пайт хонага Соҳиб амаки кириб келиши билан суҳбатимиз ҳам узилиб қолди.

-Қизчангизни кузатиб қўйдингизми, - сўрадим ундан.

-Ҳа, - деди у ўзига хос табассум билан ва Хусравжонга юзланди. – Дўхтир, эртага Нилуфархоннинг туғилган куни, иложи бўлса, менга икки-уч соатга жавоб берсангиз, бозордан қизимга ул-бул харид қилмоқчи эдим.

-Хўп, устоз, - деди Хусравжон қўлини кўксига қўйиб. – Икки-уч соат эмас, сизга бир кун ижозат бераман. Биз икковимизнинг номимиздан ҳам Нилуфарни табриклаб қўйинг.

-Раҳмат, дўхтир, илоё кам бўлманг.

-Қизчангиз ростдан ҳам ёқимтойгина экан, - дедим мен ҳам Соҳиб амакининг шодлигига шерик бўлиб, - бирам доноча экан. Сизга ҳавасим келиб кетди.

-Ҳа, укажон, - дея енгил тин олди Соҳиб амаки, - фарзандни беҳуда ҳаёт меваси дейишмайди. Аёлим Нилуфархонни топиб берганидан кейин, ҳаёт нақадар мазмунли ва гўзал эканига амин бўлдим.

**Тожик тилидан**
**Рустам БЕК таржимаси.**

# ҚУДУҚЛАРДАГИ ҲИКМАТ

(Боши 1-бетда)

Қизилкум, Қорақум чўллари, Устюртнинг жазирама иссиқларида ота-боболаримиз карвонлари билан шу қудуқлар атрофида дам олиб, роҳатланиб, ҳордиқ чиқариб, узоқ сафарларини давом эттирганлар. Қудуқларни кўз қорачиғидай асраганлари, унга ҳаёт булоғи деб ном берганлари ҳам шундан.

Академик Яҳё Ғуломов ўзининг "Хоразмнинг суғорилиш тарихи" асарида қадимий қудуқлар тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирган. Булар Қизқалъа, Девкескан қалъа қудуқларидир. Амударёдан 2 км наридаги баланд адирнинг устига жойлашган Қизқалъанинг марказида сув сақлаш учун айлана ҳовуз бўлган. Қалъанинг ғарб томон деворлари сиртдан ярим айлана шаклидаги учта устунлар билан мустаҳкамланган. Уларнинг бири ичида теварак-атрофи пишиқ ғишт билан ўралган қудуқ бўлган. Қудуқнинг девори катта чарм қовға билан сув олиниши натижасида сиркала бериб, силлиқ бўлиб кетган, қалъа аҳолиси қудуқдан сув олиб ичган. Қудуқ Қизқалъа баландлигининг асосигача етиб борган ва унга ер остидан сув оқадиган махсус йўл ўтказилган. Қудуқнинг тасвири 1877 йилда сайёҳ ва тарихчи Петрусевич томонидан чизиб қолдирилган. Девкесканнинг Устюртда стратегик жиҳатдан жуда қулай ўринда жойлашгани ҳам антик даврда бу ерда қалъа мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Амударёнинг яқинлиги қалъа ичидаги қудуқда ҳар доим сув бўлишини таъминлаган.

Қадимги қудуқларнинг чуқурлиги ва узунлиги уларнинг дарё ўзанларига ёки ер ости сувларига қанчалик яқинлигига боғлиқ бўлган. Қудуқлар кўпинча 3-4 метр чуқурликда узунлиги 3 метр ва бир метр кенгликда қазилиб, унинг уч томони ўпирилиб кетмаслиги учун ёғоч ва шох-шаббалар билан мустаҳкамланган, тўртинчи томони эса сув оқиб кириши учун очиқ қолдирилган.

Бахмал тумани Моргузар ота зиёратгоҳида усти пастаккина тош қўрғонча билан ўралган қудуқ бор. Қишлоқ аҳли бу қудуқни ниҳоятда эъзозлайди. Айтишларича, кимнинг кўнгли очиқ ва гуноҳи кам бўлса, сув олаётганда қудуқ суви тўлиб-тошиб, қалқиб, лимо-лим бўлиб турар экан. Кимнинг кўнгли ва ичи қора, ёмон ниятли, гуноҳи кўп бўлса, қудуқ суви пастга тушиб, ҳатто умуман йўқолиб ҳам қолар экан...

Энди Хива шаҳрининг пайдо бўлиши ҳақидаги мана бу ривоятга эътибор беринг. Оллоҳ Нуҳ пайғамбарга ваҳий юборибди: сен каттакон бир кема қурасан. Рўйи заминдаги жамики жонзотдан бир жуфтдан тўплаб, борини кемага жойлайсан. Қирқ кечаю қирқ кундуз ёмғир ёғиб, ер юзини сув босади. Айтганимни қилсанг, ўзинг ҳам омон қоласан, жониворларни ҳам ўлимдан сақлаб қоласан.

Кема қуриб битказилгач, худонинг амри билан қирқ кечаю қирқ кундуз ёмғир ёғиб, дарёлар тошиб, ер юзини сув боса бошлабди. Шунда Нуҳ пайғамбар ҳар бир жонивордан бир жуфтни олиб, кемасига солаверибди. Нуҳнинг икки ўғли бор экан, Ҳабаш деган боласи кемага чиқишни истамай, сувга ғарқ бўлибди. Сом исмли иккинчи ўғли эса отасига ҳамроҳлик қилибди.

Улар кемада сузавербидилар, сузавербидилар, ахири уммон ўртасида қорайиб турган бир тепаликка кўзлари тушиб қолибди. Яқинроқ бориб қарасалар бу баланд тоғларнинг чўққиси экан. Сув кўтарилгандан кўтарилиб, тоғнинг ярим белигача сув ичида қолибди. Нуҳ ўзининг кемасини ўғли Сомга бериб, барча жонзотларнинг инъом-ихтиёрини ҳам унга топшириб:

Мен шу ерда қоламан, сизлар саёҳатни давом эттираверинглар, дебди-ю, тоғнинг устига чиқиб кетибди. Сом кемасини Амударё томон бурибди, қуруқ ер ахтариб сузаверибди. Аммо ҳадеганда қуруқликнинг қораси кўринавермабди. Сом яқин орада қуруқлик борйўқлигини билиб келиш учун кемадаги қанотли жониворларни бирма-бир учириб кўрибди. Лекин қушларнинг ҳеч қайсиси ерни топа олмай, қанотлари толиқиб, қайтиб келибди. Шунда Сом оққуш билан каптарни учирибди. Илгари Амударё Каспийга қараб оқар, Ичанқалъанинг ўрни улкан тепалик бўлиб, дарё ўзани унинг икки томонидан айланиб ўтар, лекин унга дахл қилолмас, ювиб кета олмас экан. Оққуш билан каптар учиб юриб, шу тепаликнинг устига бориб қолишибди. Оққуш қувонганидан "Қувоқ!", "Қувоқ!" – деб овоз берибди. Бу – қуруқ ер дегани экан.

Сом кемасини қушлар овози келган томонга қараб бурибди. Сом тепаликни топгач, унинг устига жой қилдириб, ётиб ухлабди. Ярим оқшом туш кўрибди. Атрофида мингта чироқ ёниб турганмиш. Сом сесканиб уйғониб қараса, чор-атроф зимистон, кўрганларининг бари туш экан. Унинг уйқуси қочибди. "Бу чироқларда бир ҳикмат бор! деб ўйлабди у. Бориб тушимнинг таъбирини отамдан сўраб, билиб келайин".

У эртаси куни тонг отар-отмас Нуҳ пайғамбарнинг олдига йўл олибди. Нуҳ пайғамбар ўғлининг гапларини эшитиб бўлгач:

-Ўша тепаликка қўрғон қуринглар. У жуда қулай жой экан, сизларга бир умрлик бошпана бўлади, - дебди. Сом қайтиб келиб тепаликда энг аввало қудуқ қаздирибди, тушида чироқ ёқилган жойларни баланд девор билан қалъа қилиб ўраб олган экан. Энди мутахассислар фикрига келсак, Хива атамаси қадимги хоразмликлар тилида Қудуқ маъносини англатувчи "Хийвоқ" сўзидан келиб чиққан. Дарҳақиқат, Хива шаҳри ҳақиқатдан ҳам қудуқ сўзидан келиб чиққанлигига тўла ишонч ҳосил қилса бўлади. Кўҳна тарихимизнинг мангу зарварақларида Урганч билан Марв савдо йўли оралиғида Хива шаҳри барпо бўлганлиги битилган. Чунки бу ерда карвонлар қўнадиган дастлабки иншоот – катта Хива қудуғи бўлган. Бу қудуқ Ичанқалъанинг шимоли-ғарбида жойлашган Мотризайи Қушбеги маҳалласида ҳозир ҳам бор.

**Марҳамат МАТВАФОЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси ФА**
**"Ботаника" ИИЧМнинг кичик**
**илмий ходими.**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ДАРВОЗАЛАРГА ТЎП КИРИТИЛМАДИ

***Россия пойтахти Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубогида иштирок этаётган жамоалар гуруҳ баҳсларининг сўнгги, учинчи турини ўтказишди.***

Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бу сафар Литва чемпиони "Каунас"га қарши майдонга тушди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида устунлик бироз литвалик футболчилар тарафида бўлган эса-да, аммо рақибларидан маҳоратлироқ бўлган тошкентликлар Миржалол Қосимов етакчилигида ўйин тизгинини ўз қўлларига олишди. Бир неча бор дарвозалар олдида содир этилган хавфли ҳужумлар самарасиз якунланиши туфайли, жамоалар муросага келишди. Хуллас беллашув 0:0 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон чемпиони уч учрашувдан 5 очко жамғарган ҳолда ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўл олди.



### ЎЙИНЛАРГА СТАРТ БЕРИЛДИ

***Айни кунларда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод" спорт ўйинларига старт берилди.***

Пойтахтимиздаги 15-спорт мактабида "Баркамол авлод" ўйинларининг шоҳмот бўйича Тошкент шаҳар босқичи мусобақалари ўтказилди. Академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этаётган ана шу турнирда Фурқат Исломов ўз истеъдодини намойиш этди. Энди Фурқат ғолиб сифатида кейинги босқичда қатнашади.

### "ТРАКТОР" ТАРКИБИДА ЎЗГАРИШЛАР

***Тошкентнинг "Трактор" жамоаси футболчилари янги мавсумга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборишган.***

Ўтган йилнинг иккинчи даврасидан жамоани тарк этган бош мураббий Мирзоҳид Ғуломов эса яна сафга қўшилди. Бироқ энди у "Трактор" ўринбосарлари билан иш олиб боради. Жамоанинг иқтидорли ҳужумчиси Илҳом Мўминжонов Наманганнинг "Навбаҳор"и сафида ўқув-машғулот йиғинларида қатнашаётганидан хабарингиз бор. Илҳомнинг яшил майдондаги илдам ҳаракатлари "Навбаҳор" раҳбариятига маъқул келган. Энди у наманганликлар таркибида тўп суриши мумкин.

### ЁШЛАРИМИЗ "БАВАРИЯ"ГА ҚАРШИ

***Футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Бирлашган Араб Амирликларида ўқув машғулот йиғинларини ўтказишганини футбол ишқибозлари яхши билишади.***

Араб давлатида ёшлар учта ўртоқлик учрашувида кучли жамоаларга қарши майдонга тушишди. Дастлаб "пахтакор"чилар устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган ёшларимиз Германиянинг етакчи клуби "Бавария" билан куч синашди. Шуниси аҳамиятлики, тенг курашлар остида ўтган учрашувнинг биринчи бўлимидан сўнг ҳисоб 1:1 эди. Аммо, иккинчи бўлимда тажриба, маҳорат барибир ўз сўзини айтди. Германияликлар ёшларимиз дарвозасига яна уч марта тўп киритишга муваффақ бўлишди. Хуллас,ўйин 1:4 ҳисобида якунланган бўлсада, муросасиз беллашувда ҳамюртларимиз немислар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлишди. Россиянинг "Ростсельмаш" жамоаси билан ҳамюртларимиз ўртасида кечган иккинчи ўйинда россияликлар ғалаба қозонишди.

Эртага ёшларимиз Тошкентга қайтиб келишади.

### ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР

***Мамлакатимизнинг етакчи футбол жамоаларидан бири "Навбаҳор" жорий йилги мавсумда ўз олдига катта мақсадларни қўйганлиги аниқ.***

Чунки жамоани янги мавсумдан россиялик тажрибали мураббий И.Волчок бошқаради. Айни кунларда наманганлик футболчилар Туркияда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишмоқда. Бу мамлакатда "Навбаҳор" 6 та ўртоқлик учрашувини ўтказади. Шуниси қизиқки, Волгограднинг "Ротор" жамоаси ҳам наманганликларга қарши майдонга тушиши мумкин. Февралнинг бошларида юртимизга қайтиши мўлжалланаётган "навбаҳор"чилар 7 февралда Кисловодскка йўл олишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

# ТОРТИҚ ҚИЛИН(МА)ГАН ҚЎШИҚ



(Боши 1-бетда)

Муаллиф бу фикрни ўзича давом қилдириб ёзади: "Ишқингда зор ўлдим" қўшиғининг авжини маромига етказиб, зўриқмай ижро этиш ҳар қандай санъаткорга ҳам насиб этмас. Айниқса, Таваккал Қодиров даражасида... Ким-ким, аммо Комилжон Отаниёзовнинг ўзлари ҳам бу қўшиқни қиёмига етказа олишларига ҳеч кимда шубҳа бўлмаса керак. Унда... нима учун Хоразм булбули водийнинг булбулига бу ажойиб қўшиқни тортиқ қилиб юборган эканлар?".

Ҳақиқатан ҳам "Доғман"ни айрим кишилар Таваккал Қодировга нисбат бериши табиий. Негаки, қўшиқ Таваккал ака ижодининг мумтоз намуналаридан биридир. Мақолада баён қилинганидек "...беназир санъаткор Таваккал Қодировнинг нафаси, қўшиқ сатрларидаги маънолар даражасига қўшилиб кетган туйғулари, нозик юрак титроқлари, санъатдаги илоҳий неъматга бемисл эъзозини топиб олгандай эди. Ҳар зарби нолишлари кўнгилга муҳрланиб қолган оҳанг мавжида томир-томирларингга қўшиқ оқа бошлайди".

**Ишқингда зор ўлдим, нетай,**
**ғамгин димоғман,**
**Бемори фурқатингману**
**зоҳирда соғман,**
**Ақлу хушим сенинг билан**
**ўздин йироқман,**
**Кўрсат юзингни, толиби,**
**нурли чароғман,**
**Ҳажрингда дарду ғам билан**
**ҳасратда доғман.**

Бу айни ҳақиқат. Чунки ашулани ҳеч ким янги авж, юқори пардаларда водий булбуличалик маромига етказиб айта олган эмас. Унинг хонишларига устоз Комилжон аканинг ўзи ҳам тан берган. Аммо... "Хоразм булбули бу ажойиб қўшиқни водий булбулига тортиқ қилиб юборишига" келсак, бу ҳақиқатдан анчагина йироқ. Тўғри, иккала беназир санъаткорнинг ўзаро муносабати ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар ўртасида бир-бирига бўлган чуқур эҳтиром, ҳурматни айтмасдан иложимиз йўқ. Бу улкан ҳофизлар бир-бирларини тез-тез йўқлаб турганлар. Муваффақиятлардан қувонганлар, анча яқин муносабатда бўлганлар. Илк танишув 1960 йилларнинг бошида бошланган.

-1961 йил эди, - деб ҳикоя қилади Комилжон Отаниёзовнинг яқин ошналаридан бири Комилжон ака Обдолов. – Отам билан Комилжон аканинг Тошкентдаги уйида меҳмонда эдик. Ўшанда бир йигит тортинибгина кириб келди. У Таваккал Қодиров экан. Танишиб, бироз ўтирганимиздан сўнг, Комилжон ака ундан ашула айтишини сўради. Ҳурмат бекиёслиги, ҳаяжон кучи, устоз салобатининг улканлигидан бўлса керак, у бироз тортиниб турди. Вазиятни англаган Комилжон ака ниманидир баҳона қилиб ташқарига чиқиб кетди. Шундан сўнг Таваккал ака торни олиб қўшиқ бошлади. Устоз ашула тамом бўлгунича дераза олдида туриб тинглади. Кейин хонага кириб келди-да, ёш ҳофизни самимий табриклади. Унга жўяли маслаҳатлар берди. "Сизнинг исмингиз Қуръони Каримдан олинган, шу боис санъатдаги йўлингиз ойдин, келажагингиз порлоқ, иним", деди у ёш хонанданинг елкасини қоқиб.

Илк учрашувдан руҳланган санъаткор устознинг "Доғман" ашуласини айта бошлайди. Унинг куйига ижодий ёндошиб, икки-уч жойига авж қўшган. Айтишдаги ўзига хослик эса:

**Ўлдум жамолинг шавқида**
**дардинг ололмадим,**
**Бошингдин, эй санам, нега мен**
**ўргулолмадим,**
**Бир лаҳза ишрат уйида мажлис**
**қуролмадим,**
**Лаъли лабингни қандини**
**бир дам сўролмадим,**
**Ҳажрингда дарду ғам билан**
**ҳасратда доғман.**

мисралари хонишида яққол кўзга ташланади. Бу мавзуда қоғоз қоралаш истаги каминани Комилжон устоз туғилиб ўсган Шовот туманига бориб, у ердаги санъаткорлар билан учрашишга ундади. Комилжон аканинг яқин шогирди Ўктам Хўжаев бу ҳақда шундай фикр билдирди:

-1969-70 йиллар эди. Мен ўшанда Хоразм вилоят театрида ишлардим. Ёз кунларининг бирида Фарғона водийсида ижодий сафарда эдик. Бир куни концерт пайти Комилжон ака келдилар-да, шогирдларидан Бекжон Отажонов, Шариф Болтаев ва менга "эртага Таваккалнинг уйига боринглар, унга оқ фотиҳа бермоқчиман", дедилар. Айтилган пайтда бордик. Комилжон ака доимий ҳамроҳлари – доирачи Отаназар Обдолниёзов, қўшнайчи Қурбонбой Бобожонов, скрипкачи Оллоназар Ҳасановлар билан келган эканлар. Даврада Расул қори Мамадалиев, Ғуломжон ака Ҳожиқулов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ўринбой Нуралиев ва бошқа устоз хонандалар бор эди. Суҳбат созга уланди. Комилжон ака ўшанда тўхтамасдан уч соатга яқин ашула айтдилар. Энг сўнгида Таваккал ака "Тошкент Ироғи", "Фарғона тонг отгунча", "Ўхшайди-ку" ашулаларини айтди ва пешонасидаги терни артаркан Комилжон акага юзланди, "Доғман"ни айтишга рухсат сўради.

-Майли, майли, - дейди Комилжон ака жилмайиб, - санъатимизнинг барча пири устозлари йиғилган даврадасиз, бор маҳоратингизни кўрсатинг.

Таваккал ака аввалига устозларига куллуқ қилиб, кўтаринки кайфият билан севган ашуласини бошлади. Уни бирданига юқори пардадан бошланиши аввалдан маълум бўлса-да, бу галгиси бошқача эди. Аввалги икки банд Комилжон ака услубида, водий булбулига хос оҳангда куйландию, кутилмаганда тор овози юракларга ларза солганича тағинда юқорилай бошлади. Барчанинг назари созандага қадалди. Ҳамма ҳаяжонда. Санъаткорнинг юрагида пайдо бўлган эҳтирослар куй ҳамоҳанглигида тарала бошлади:

**Золим фалак фироқингга**
**солди мени, нетай,**
**Қандоғ ғамингни сийнада элдин**
**ниҳон тутай,**
**Сабру қарорим қолмади,**
**эй жон, нечук этай,**
**Мажнуни бедаво каби ё**
**бош олиб кетай,**
**Ҳажрингда дарду ғам билан**
**ҳасратда доғман.**

Латиф оҳанглар барчани сеҳрлаб қўйганди. Комилжон ака ифтихор туйғулари таъсирида аста-секин хаёлга чўмди. Ашула нафис ва жарангдор оҳангларда давом этарди:

**Сенсан париваш аҳлини шўхи**
**замонаси,**
**Менман сенинг ғаминг била**
**олам фасонаси,**
**Кўнгул қушинг боиси чангу**
**таронаси,**
**Зулфингни доми-ю, яна**
**холингни донаси,**
**Ҳажрингда дарду ғам билан**
**ҳасратда доғман.**

Ўшанда Таваккал ака бор созандалигу, гўяндалик маҳоратини ишга солди. Бу унинг ўзбек санъатининг даҳолари, устозу ёр-дўстлари олдида етуклик имтиҳони эди. Тор аста-секин тушум йўлларида титрай бошлади:

**Ўлсам эди висолингга**
**парвонадек куюб,**
**Жон берсам эрди, бошимни**
**остонангга қўюб,**
**Маҳмурликда бодай васлинг**
**била тўюб,**
**Нокислигимда кўксима тийри**
**мижанг ўюб,**
**Ҳажрингда дарду ғам билан**
**ҳасратда доғман.**

Ашула тамом бўлиши билан Комилжон ака хонандани бағрига босиб: "Сен уни мендан ошириб айтдинг, "Доғман" энди сеники", дейди севинчини яширолмай.

Дарҳақиқат, водий булбулининг "Ишқингда зор ўлдим"ни ижро қилишига устозининг ўзи ҳам тан берганлиги ҳақ гап. Шундан сўнг мезбон шундай дейди:

-Мен ўзимдан олдинги барча санъаткорларни устоз деб билганим ҳолда, яккаю ягона Комилжон устозни пир тутиндим. Бугун мен устознинг оқ фотиҳасини олмоқчиман, - дея Комилжон Отаниёзовга ўз қўли билан зарбоф тўн кийгизади.

Шундай қилиб, у атоқли Комилжон Отаниёзовнинг ҳақиқий шогирдларидан бирига айланади. Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов эса ўша маросимда устозу шогирд холироқ жойга чиқиб, "Доғман"нинг куйи ва айтилишини мукаммаллаштириш устида яна икки соатча ишлаганликларини айтади.

Нима бўлганда ҳам, Нокиснинг "Доғман" муҳаммасига 50-йилларнинг охирларида Комилжон Отаниёзовнинг ўзи куй басталаб айтгани, ундан ўн йиллар кейин Таваккал Қодиров ўша куйда ижро қилгани айни ҳақиқат. Комилжон ака ижросидаги магнит тасмасига ёзиб олинган "Доғман" ашуласи Ўзбекистон радиоси хазинасида сақланмоқда.

Бир мақола боис халқимизнинг Хоразм ва водий булбули дея берган юксак баҳосига мушарраф бўлган етук санъаткорлар Комилжон Отаниёзов ва Таваккал Қодировларнинг муборак номларини тилга олдик. Уларнинг бир-бирларига бўлган иззат-эҳтиромларини нафақат санъат аҳлига, барча-барчага ҳам ибрат бўлғулик ажойиб фазилатларни эсладик.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Сунна́т САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ҲАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Б.ЁҚУБОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-023, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 536

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com